

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

УДК

кўлёзма ҳуқуқида

АКБАРОВ ОДИЛ ЗОКИРОВИЧ

**Наманган вилоятида мева сабзавотлар бозори маркетинг
татқиқотлари ва уни ривожлантириш омиллари (Наманган
вилояти мисолида) мавзусида**

5A230401-“Маркетинг”(тармоқлар ва соҳалар)

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар

и.ф.д.,проф.А.Солиев

Наманган – 2014 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. «Бозор» ва «бозор иқтисодиёти» тушунчалари моҳияти, ва Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели.....	8
1.2. Озиқ-овқат товарлари бозори моҳияти, турлари ва унда маркетинг тадқиқотларининг мақсади ҳамда вазифалари	18
II БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БОЗОРИ ВА УНДА МЕВА САБЗАВОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ЎРНИ	25
2.1. Вилоят озиқ-овқат товарлари бозори ва унинг таркибини маркетинг тадқиқотлари	25
2.2. Мева – сабзавотларни етиштириш кўрсаткичлари таҳлили.....	37
2.3. Мева-сабзавотларни қайта ишлашни ривожланиши ва қишки мавсумга сақлашни ривожланиши	44
III БОБ. ВИЛОЯТДА МЕВА – САБЗАВОТЛАР ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАНГАН ТОВАРЛАР САВДОСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	54
3.1. Чакана савдони ривожланиши.....	54
3.2. Улгуржи савдони асосий кўрсаткичлари	65
3.3. Экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари.....	76
ХУЛОСА	91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	96
ИЛОВА	101

КИРИШ:

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долбзарлиги:

Мева-сабзавотлар аҳолининг озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга саломатлигини сақлаш бўйича асосий ресурслардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш каби масалалар замонавий талаблар даражасида ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримов раҳнамолигида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига тўлароқ қондириш, шу билан бирга, мева-сабзавотлар ва улардан қайта ишланган масулотлари экспорти ҳажмини кўпайтириш масалаларини ҳал қилиш доимо кун тартибига қўйилиб келинмоқда.

Шунинг учун, мева-сабзавотчилик ва узимчилик тармоғини ривожлантириш, зарурий инфратузилма объектларини ташкил қилиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш тизимларни такомиллаштириш ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9-январда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узимчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармони ҳамда 2006-йил 11-январдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва улар таъсисчилигидаги агрофирмаларни ташкил этилиб, соҳани ривожлантириш, жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, молиялаштириш, таминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тизимли равишда йўлга қўйилмоқда.

Мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари етиштириш бўйича мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлар аҳолини эҳтиёжларини тўлақонли кондириш билан бирга уларни хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳажмини кескин ошириш имконини ҳам беради.

Айни вақтда, мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотларининг экспорт ҳажми ҳам сўнги беш йилда тўрт маротабага ошган. Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ҳар йили “Uzbekistan Agrominitech Expo” қишлоқ хўжалиги учун миний-технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослашган кўргазма-савдоси ташкил этилаётганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмини оширишда катта имконият яратилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз мева-сабзавотлар бозорида ўз ечимини кутаётган илмий муаммолар: маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва бошқалар ўз ечимини кутмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети белгиланиши;

Тадқиқод объекти сифатида Наманган вилоятидаги мева-сабзавотлар етиштирувчи, қайта ишловчи ва уларни сотувчи бозор субъектлари фаолияти танланган.

Тадқиқот предмети бўлиб вилоятдаги мева-сабзавотлар бозори субъектларини маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сотиш каналларини танлаш ва сотишни рағбатлантириш жараёнларидаги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари:

Тадқиқоднинг мақсади бўлиб, мева-сабзавотлар ишлаб чиқарувчи, уларни қайта ишловчи ва сотиш билан машғул бўлган бозор субъектларининг ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатлари жараёнларини маркетинг тадқиқоти ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-услубий тавсиялар таёрлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

-Вилоят истеъмол товарлари бозори ва унда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

-Мева-сабзавотларни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш омилларини ўрганиш;

-Мева-сабзавотлар ва уларни қайта ишланган товарлар рақобатбардошлигини аниқлаш ва уни белгилаш;

-Мева-сабзавотларни сақлаш инфратузими ҳолатини ўрганиш ва уни ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

-Вилоятнинг мева-сабзавотлар экспорти салоҳиятини ошириш имкониятларини белгилаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:

Тадқиқот қуйидаги асосий масалалар ва фаразларга қаратилган;

-Вилоят мева-сабзавотлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва натижаларидан амалиётда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

-Мева-сабзавотлар бозори субъектлари фаолиятини баҳолаш ва улар фаолиятларини такомиллаштириш йўллари белгилаш;

-Вилоятда мева-сабзавотлар ва уларнинг қайта ишланган маҳсулотлар ассартименти ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш орқали рақобатбардошлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

-Вилоятда мева-сабзавотларнинг сақлаш ва сотиш инфратузими истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:

Диссертацияда иқтисодий жараёнларни ўрганишнинг индукция ва дидукция, анализ ва синтез, эксперт баҳолаш, маркетинг тадқиқотлари: кабинет ва дала, кузатув, статистик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижалари бўйича ўрганилган назарий тушунчалар таҳлили ва талқини ҳамда ишлаб чиқилган мулоҳазалар институтдаги маркетинг ва бошқа фанларни ўқитиш жараёнидаги маъруза ҳамда амалиёт дарсларида қўлланилади.

Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсиялар корхоналар маркетинг фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий қўлланма сифатида ишлатилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Мева-сабзавотлар бозоридаги маркетинг тадқиқотлари натижасида бозор хажми ва унинг таркиби баҳоланади;
- Мева-сабзавотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва омиллари таҳлил қилинади;
- Мева-сабзавотлар ассортименти ўрганилади ва уларни рақобатбардошлиги аниқланади;
- Мева-сабзавотларни қайта ишлаш жараёни ўрганилади ва уни янада ривожлантириш имкониятлари аниқланади;
- Мева-сабзавотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади;
- Мева-сабзавотларини ички бозорда сотиш ва экспортини кўпайтириш омиллари аниқланади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили:

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, қарорлари, фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, республикамиз ва чет эл олимларидан Ф.Котлер¹, Ж.Ламбен², А.Панкрухин³, А.Ўлмасов, А.Вахобов⁴, Б.Абдукаримов⁵, А.Солиев⁶ ва бошқаларнинг илмий адабиётлари, илмий

¹ Ф.Котлер, “Основы маркетинга”. Пер.с английского В. Б. Боброва. М.Прогрес.1991 г.56 ст,

² Ламбен Жан-Жак. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива. Пер. с французского.-СПб. : Наука, 1996.- XV, 589 с

³ А.Панкрухин. Маркетинг: Учеб. для студентов, обучающихся по специальности. М.: Омега. 2005 658. га-Л, 2005. - 656 с

⁴ А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. “Шарқ”, Т.2016 85 б

⁵ Б.Абдукаримов. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. “Иқтисод--молия” Т.:2010 33 б

журналлар, статистик тўпламлар, оммавий нашрларадаги маълумотлар ҳамда интернет сайтларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг қисқача таркиби:

Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

⁶ А.Солиев. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. “Иқтисод-молия” дарслик 252 б

I боб. Истеъмол товарлари бозорининг назарий асослари

1.1. “Бозор” ва “бозор иқтисодиёти” тушунчалари моҳияти ва Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Бозорга ўтиш муқаррар. Бу давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлиги сифат жихатидан тубдан юқори даражага эришиш услуб ва воситасидир”⁷ деб - мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ стратегик мақсадларимизни бозорга мос ҳолда ташкил этиш каби муҳим вазифаларни белгилаб берган.

«Бозор» кишилиқ жамиятининг буюқ тарихий кашфиёти бўлиб, у ўз тараққиётида иқтисодий аҳамияти билан бирга, инсонларнинг маънавий юксалишига ҳам таъсир кўрсатиб келган. Инсон бозордаги савдо-сотиқ орқали товарларни ҳарид қилиш билан мамлакат ва жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, янгиликлардан баҳраманд бўлади, ўз маҳорати ва билимини янада оширишга илҳомланади. Бу эса ўз навбатида, илмий-техника прогрессини рағбатлантиради ва такроран ишлаб чиқаришни жадаллаштириб уни маҳсуслатишига замин яратади⁸.

Ҳозирги замон бозори ўз тараққиётига эришгунча узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Бир томондан, бозорга давлат йўли билан таъсир кўрсатишнинг жуда хилма-хил шакллари ва усуллари юзага келди, иккинчи томондан, бозорнинг ўзини-ўзи бошқаришига имкон берувчи қонунлар ва қоидалар таркиб топди.

“Биз бозор муҳитини янгидан ва қисқа фурсатда шакллантиришимиз лозимки, бунинг учун бозор муносабатларига мос бўлган барча воситалардан, энг янги тажрибалардан ғоят самарали фойдаланишимиз

⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. “Ўзбекистон”, 1992, 43-44-бетлар.

⁸ А.Солиев. “Маркетинг”. Тошкент. “Иқтисод-молия” – 2010 йил 7 б.

керак”⁹. Ҳаётнинг ўзи-бозор илмини, қонунлари ва тартибларини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни тақозо этмоқда.

“Бозор”, “Бозор муносабатлари”, “Бозор иқтисодиёти” тушунча ва категориялари мавжуд бўлиб, улар ўзларига хос мазмунга эга. Мазкур иқтисодий категориялар ўз мазмун-моҳиятига эга.

“Бозор” катигориясига бундан 600 йил аввал “Бозор-бу хунарамандчиликни мукаммаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг гаровидир” деб Ибн Холдин томонидан изоҳ берилган эди¹⁰.

“Бозор” тушунчасини Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айирбошлаш муносабатлари; ишлаб чиқариш билан истеъмолни ўзаро боғловчи механизм» деб таърифланган¹¹. Бозор объекти истеъмол қиймати бор товар ва хизматлар, субъекти эса унинг иштирокчилари (сотувчи ва харидорлар) бўлиб, улар фирмалар, уй хўжаликлари, давлатнинг ташкилот, идоралари ва бошқалардан иборат. Бозорда 2 жараён амалга ошади: бири — товарларни сотиш, бунда товар пулга алмашади, яъни Т—П; иккинчиси — товарни харид этиш, пулни товарга айирбошлаш, яъни П—Т. Айирбошлаш ихтиёрий ва эркин шаклланган нархларда олиб борилади. Бозорга фақат харидорлар ва сотувчиларгина таъсир эта олиши мумкин. Бозор жамиятни ривожлантирувчи механизм. Барча иқтисодий – ижтимоий муносабатлар бозор орқали тартибга солинади. Бозор жамият эҳтиёжларини шакллантиради ва уни ўзи қондиришга ҳаракат қилади. Бозорда манфаатлар тўқнашади ва улар нарх орқали ўз ечимини топади.


Бозор – илмий нуқтаи назардан – ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар мажмуидир. **Бозор - иқтисодиётнинг таркибий қисмлари: ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол каби ўзини-ўзи талаб ва таклиф қонуни асосида ҳаракатга келтирувчи, кенгайтирилган, такрорий,**

⁹ А.Солиев. “Маркетинг”. Тошкент. “Иқтисод-молия” – 2010 йил 7 б.

¹⁰ А.Раззаков, Ш.Тошматов. “Иқтисодий таълимотлар тарихи”. “Молия”, Т.: 42 б.

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси. Б-харфи. 457 б.т

доимий, занжирсимон жараёнлардаги муносабатлар ҳаракатини мажмуасини ифодалайди. (1.1.1-чизма)



1.1.1-чизма. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши.

Бозорнинг ижтимоий моҳияти эса у орқали товар ва хизматлар ўз харидорини ва боҳосини топади, бундан такрорий ишлаб чиқариш муносабатлари юзага келади, меҳнат ўз қийматига эга бўлиб, ижтимоий зарурий эканлиги тасдиқланади.

Бозор – эски қарашларда оддий ҳолда олди-сотди жойи, товарларни сотувчи ва харидор ўртасида бегоналаш, уларни алмаштириш жойи ва жараён деб тушунилган. Бозор унинг таркибий қисмлари бўлган талаб, таклиф ва боҳонинг ўзаро алоқаси жараёнидагана мавжуд бўлади. Рус олимларидан В.В.Железнев, В.Семеновлар бозорни товар муомаласи деб тушунтиришга уринган. Л.И.Абалкин эса бозор – товар муомаласи эканлигини тан олган ҳолда бозорнинг ялпи маҳсулот, такрор ишлаб чиқарилиши ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатининг такрорланиши эламенти эканлигини ва бозорнинг маълум хўжалик алоқалари тури, маълум иқтисодий ҳаракат хили эканлигини ҳам қайд қилади¹². Ф.Котлер бозор тушунчасини товар муомаласи доирасидаги истеъмолчилар гуруҳи деб¹³ тарифлаган. А.Ўлмасов ва М.Шарифжўжаевлар бозор – бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айрибошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар, уларнинг ўзаро

¹²М.Расулов. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.Ўзбекистон. 1999 й 17 б.

¹³Ф.Котлер, “Основы маркетинга”. Пер.с английского В. Б. Боброва. М.Прогрес.1991 г.56 ст. www.hobos.ru

алоқаларидир деган. Бу жараёнда “Иқтисодиёт” атамасини асл моҳиятини ва мазмунини ҳам ёритиш мақсадга мувофиқ.

“Иқтисодиёт”-деганда кишиларнинг ўз ҳаётий эҳтиёжини қондиришга қаратилган фаолият тушунилади. Бу сиёсий, ижтимоий, маданий ва маърифий фаолиятда ўзининг асосий бўлиши билан, бошқа фаолият учун моддий шарт-шароит яратиб бериши билан ажралиб туради.

Иқтисодиёт кишиларининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ноз нематлар яратади, уларни кишилар истеъмолига етказиб беради. Демак, инсониятнинг яшаши давомийлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “Иқтисодиёт” атамасини 3 та йўналишда талқин этилган:

Иқтисодиёт — 1) кишилар томонидан меҳнатни қўллаган ҳолда инсон учун зарурий бўлган моддий неъматлар, ҳаёт шароитлари ва воситаларини яратиш орқали тирикчиликни таъминлаш, эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиладиган хўжалиқ воситалари, объектлар, жараёнлар мажмуи. Кенг маънода ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол соҳаларидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади;

2) муайян мамлакатнинг миллий халқ хўжалиги ёки унинг бир тармоғи - (саноат, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқалари иқтисодиётлари);

3) хўжаликнинг у ёки бу тармоғини, минтақа хўжалигини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва шакллари, шунингдек, уни бошқаришни ўрғанадиган иқтисодиёт фанлари (саноат иқтисодиёти, савдо иқтисодиёти ва б.)¹⁴. Д.Тожибоевнинг академик Шарфхўжаев илмий таҳрири остида тайёрланган “Иқтисодиёт назарияси” ўқув қўлланмасида иқтисодиёт тушунчасини қуйидагича тушунтирилган.¹⁵

“Иқтисодиёт” ҳар қандай жамиятнинг асоси, ривожланиб бориши шарт-шароити, чунки ҳаёт энг аввало, тирикчилик неъматлари ишлаб

¹⁴Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Т. 7 т. 468 бет.

¹⁵Д.Тожибоев. “Иқтисодиёт назарияси”. Ўқув қўлланма. ТДИУ.Т:2005. 5 б.

чиқаришни қондириши шарт. Жамият бор экан, ишлаб чиқарши, ишлаб чиқарилган неъматларни айрибошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш мавжуд ва бу жараён узлуксиз тарзда бир-бирига боғлиқ холда юз беради.

“Иқтисодиёт” сўзининг ўзагини “иқтисод” сўзи ташкил этади. Иқтисод сўзининг луғавий маъноси эса “сарф харажатларда тежамкорлик”ни акс эттиради. Буюк Ватандошимиз Абдулла Авлоний “Иқтисод деб - пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур” деб талқин этган.

“Бозор иқтисодиёти” энг самарали ва жаҳонда синалган тушунчасини кенг қамровда талқин қилиш мумкин. “Бозор иқтисодиёти” умумбашарий тизим бўлганлиги учун ҳамма мамлакатлар шу йўлдан бормоқда. “Бозор иқтисодиёти” ўзгармас бир ерда қотиб қоладиган иқтисодиёт эмас. Унда ички ривожланиш “талаб ва таклиф” қонуни асосида доимий тараққий этиб боради. Дастлаб, бозор иқтисодиёти асов иқтисодиёт сифатида юзага келса, сўнгра у анча мукаммаллашган - цивилизациялашган, инсонпарвар иқтисодиётга айланади.¹⁶

“Бозор иқтисодиёти”-эркин ва рақобатли базор шароитида ўзини-ўзи бошқариб-ривожлантириб борадиган жараёндир. Бу жараён барча бозор субъектларининг эркин ҳаракатига таянади ва уларнинг манфаатларининг қондирилиши эса “талаб ва таклиф қонуни” асосида такрорланиб-такомиллашиб бораверади.

“Бозор” оддий ва ҳаётий “олди-сотди” жараёни бўлса, “Бозор иқтисодиёти” тўла мазмунли ва илмий тушунчадир.

“Бозор иқтисодиёти” — жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи. Бозор иқтисодиётининг моҳияти шундан иборатки, у барча жамият аъзоларини ишлаб чиқариш ва истеъмол орқали доимий ҳамда тўхтовсиз муносабатларининг иштирокчиларига айлантиради, шу боис бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришнинг кун сайин такомиллашувига, маҳсулотлар сифатининг яхшиланиб боришига, миқдорининг эса кўпайишига сабабчи бўлади. Бозор иқтисодиёти

¹⁶ А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. “Шарк”, Т.2016 85 б

халқнинг, омманинг ижодий меҳнат имкониятларини юзага чиқариб, тадбиркорлик ва ишбилармонликка йўл очади, мулкка эгалик қилиш қоидаларини такомиллаштиради, унга туртки беради. Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклифнинг ўзаро ҳаракатлари бир-бири билан мувофиқлашувига интилади¹⁷. “Бозор иқтисодиёти” – бу товар пул муносабатларига ва ўзининг қонун-қоидаларига асосланган ижтимоий – иқтисодий тизим моделидир¹⁸.

Ишлаб чиқариш бозорнинг асосий механизми, у таклифга айланиш орқали бозорнинг таркибий қисмиг сифатида қаралади. Моддий ишлаб чиқариш жараёни қанчалик муҳим аҳамият касб этсин, у истеъмол учун аталган бўлади ва бу бозор шароитида талаб орқали ўзини оқлайди. Чунки, инсон истеъмоли унинг эҳтиёжи талабга айланиши туфайлигина юзага келади. Бозор муносабатлари шароитида бозорга талаб асос бўлганлиги учун ишлаб чиқариш воситаси сифатида хизмат қилади, унинг моддий асосини ташкил этади. Умуман, ишлаб чиқариш бозор муносабатлари, унинг қонун талаблари асосида ривожланади. Демак, бозор иқтисодиётида инсон талаби, унинг истеъмоли юқори бўлгани ҳолда ишлаб чиқариш унинг воситаси вазифасини бажаради ва талаб учунгина хизмат қилади.

Хозирги кунда, бутун жаҳон тан олган, энг самарали иқтисодий тизим модели бу - “Бозор иқтисодиёти модели” ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ҳар-хил даврларда уларнинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ҳар-хил бўлиши мумкин. Шу сабабли, бозор иқтисодиётини ҳар-хил моделлари мавжуд. Масалан АҚШ, Япония, Швецария, Туркия, Россия, Ўзбекистон ва х.к.

Россия иқтисодчи олимлари томонидан, профессор Райзберг В.А. раҳбарлигида чоп этилган “Курс экономики” дарслигида қуйидаги бозор иқтисодиётига мос қонунлар келтирган. “Эҳтиёжни юксалиб бориш қонуни”, “Ресурсларни чегараланганлиги қоидаси”, “Ишлаб чиқариш

¹⁷Мустақиллик. Изохли илмий – оммабоб луғат. “Шарқ” Т.:2009 й.55 б.

¹⁸Б.Абдукаримов. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. “Иқтисод--молия” Т.:2010 33 б

имкониятлари чегараси ва алмаштирилган харажатларни ортиб бориши қонуни”, “Даромадларни камайиб бориш қонуни”, “Доирадаги фойдалиликни камайиб бориш қонуни”, “Фойдалиликни максималлаштириш қонидаси”, “Талаб”, “Таклиф” ва “Пул муомаласи” қонуни, “Шахсий истеъмол таркибини даромадга боғлиқлиги қонун”лари.

Бозор иқтисодиётининг қоидаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: Биринчи, бизнесни ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини таъминлаш. Бу эркинлик фаолияти, ҳаётнинг биринчи қирраларига тегишли бўлиб, уларга ўз ҳосилиги билан ижтимоий ҳаётга иштирок этишини билдиради. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш деганда ички қонуниятлар орқали бозор муносабатлари тартибга солиниб турилиши тушунилади.

Иккинчи, бозор эркинлиги доимо иқтисодий жавобгарлик ва тадбиркорлик таваккалчилиги билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш иқтисодий дастаклар орқали яни солиқ, молия, кредит, банк тизими, юридик қонунлар, баҳони чегаралаш, манаполияни чеклаш кабилар орқали амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти ҳамма истеъмолчинини талабини қонидириш учун фаолият кўрсатади. Шу сабабдан, **учинчи қоида** истеъмол приматини устунлиги.

Юқоридагилар билан бир қаторда бозор иқтисодиётида қуйидаги **қоидалар ҳам амал қилади:**

1. Бозор шароитида баҳонинг эркин шаклланиши;
2. Муомаланинг оғзаки ёки ёзма шартномалар асосида бўлиши;
3. Муомала ва пул муомаласи таъсири остида ишлаши;
4. Иқтисодиётнинг очиклиги. Тадбиркорлик ва ташқи алоқаларга ҳам тегишли, албатта чегараланган ҳолда;
5. Рақобат. Бозор иқтисодиёти рақобат муҳитисиз ривожланмайди;
6. Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг барча қирраларига, бутун регионга тегишлидир. Бозор муносабатлари умумийдир;

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, мазкур жараённинг бош “архитектори” Президентимиз И.А.Каримов бўлди.

И.А.Каримов “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”¹⁹ рисоласида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки йиллардаги ривожаниш жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурийининг ўзаги сифатида 5 та асосий тамойилни белгилаб берди. Илмий ва амалий жихатдан пухта ишлаб чиқилган, нафақат ўтиш давридаги, балки, келажак авлодимиз тақдирини ҳам ўйлаб тузилган, эски тузимдан мерос бўлиб қолган иллатларни тезроқ бартараф этиш, мамлакатимиз ривожланган, маданиятли давлатлар даражасига олиб чиқишни назарда тутувчи бу дастур Президентимиз номи билан бевосита боғлиқ ҳолда жаҳонга танилган тараққиётнинг “ўзбек модели” эди (1.1.2-расм).



1.1.2-расм. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий модели.

Мазкур модел олдинги ёки бирор бир мамлакатда амал қилаётган бозорни шакллантириш моделларини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жихатидан тараққиётнинг бутунлай янги модели бўлди.

¹⁹ И.А.Каримов “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.

Муайян шароитда бозор 3 хил функцияни бажаради.

1. Талаб ва таклифни мувофиқлаштириб бориш;
2. Баҳони мувофиқлаштириш;
3. Рақобат муҳитини яратиш орқали бозор субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга имконият яратиш;

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида собиқ шўролар тузумидан мерос қолган чуқур таназзулдан халос бўлиб, барқарор тараққиёт ва аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгартиришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари И.А.Каримов томонидан қуйидагича изоҳлаб берилди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;

- кўпукладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;

- иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгартиришлар қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

- одамларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёкарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширилиши жараёнида мамлакатимизда бир қатор янги қонунчилик тизими шакллантирилди. Жумладан, “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Банкротлик тўғрисида”ги, “Савдо саноат палатаси тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги ва бошқалар.

Демократик жамият қуришдан кўзланган мақсад юртимизда истиқомат қиладиган барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлар каби кафолатланган юксак турмуш даражаси ҳамда эркинликларни таъминлашдан иборат. Мазкур эзгу мақсадни амалга ошириш учун бирламчи аҳамият касб этган, яъни ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислохотларга эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида иқтисодиётимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш йўналишларини аниқ белгилаб берувчи **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини”** илгари сурди ва унга кўра қуйидаги қонунлар қабул қилинди:

- Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида;

- Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида;

- Рақобат тўғрисида;

- Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида;

- Гаров реестри тўғрисида;
- Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида;
- инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида ва бошқалар

Қуйидаги қонунларнинг янги тахририни ишлаб чиқиш:

- акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида;

- тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида;

- давлат тассарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида;

Юқоридаги бозор иқтисодиёти қонунчилигини такомиллаштириш ва унинг механизмларини ҳаётга тадбиқ этиш натижасида мамлакатимизда миллий моделга асосланган янгича бозор иқтисодиёти ривожланиб бормоқда.

Хозирда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, унинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш – миллий тараққиётимиз янги босқичининг асосий мазмуни ва шартига айланган.

1.2. Озиқ-овқат товарлари бозори моҳияти, турлари ва унда маркетинг тадқиқотларининг мақсади ҳамда вазифалари.

Истеъмол товарлари бозори жамиятнинг моддий ва манавий фаровонлигини таъминлаб беради. Ҳар қандай жамиятнинг ривожини истеъмол товарлари бозорининг ривожланганлиги билан баҳоланади.

Истеъмол товарлари бозори – бу муайян ҳудуддаги аҳолининг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондирувчи узлуксиз жараённи таъминловчи яхлит механизмдир.

Истеъмол товарлари бозорида – истеъмол товарлари олди-сотди жараёнлари амалга оширилади. Шунга кўра, “истеъмол товарлари” тушунчасини изоҳлаш мақсадга мувофиқ. Истеъмол товари – моддий ёки

моддийлашган буюм бўлиб, у истеъмолчига сотиш учун ишлаб чиқарилади. Истеъмол товари-меҳнат маҳсули бўлиб, у сотиш учун ишлаб чиқарилади ва ўзининг қийматига эга, уни сотиб олган ва истеъмол қилган харидорнинг аниқ эҳтиёжини қондириши керак. Истеъмол товарлари – аҳолининг кундалик ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ва уй жойни жихозлашга ишлатиладиган товарлардир. Истеъмол товарларини баҳосини истеъмолчи белгилайди. Товарнинг истеъмол қиймати қанчалик юқори бўлса, у ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича харидорларнинг талабини ўрганиш натижасида аниқланган эҳтиёжларга ва талабини белгиловчи бошқа тавсифларга шунча мос келади. Истеъмол товарларининг сифати юқори даражадалиги унинг нархига тўғридан – тўғри таъсир этади. Шунинг учун ҳам, истеъмолчилар бозорда товарларнинг асосий кўрсаткичи сифатида унинг истеъмол қийматига аҳамият беради. Истеъмол товарларининг хусусиятлари унинг моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондира олиш даражасига мос келиши ва унинг мана шу хусусиятларини узоқ вақт сақлаб қолиши лозим. Истеъмол товари харидорга истеъмол товарлари бозори орқали сотади. Шунинг учун ҳам, истеъмол товарлари бозорини туркумлашнинг асосий белгиси ҳам уларда сотилаётган товарларнинг истеъмол қийматига қараб амалга оширилади.

Истеъмол товарлари бозорини туркумлашда қуйидаги белгиларга алоҳида эътибор қаратилади: истеъмол товарларининг хом-ашёси турига кўра; товарларни истеъмол қилиш даврийлигига кўра;

1. Қисқа муддатли ишлатиладиган истеъмол товарлари (озик-овқат, парфюмерия-косметика, дори-дармон ва бошқа товарлар);

2. Узоқ, муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари (хўжалик моллари, техника товарлари, маданий моллар, кийим-кечак ва бошқа товарлар);

3. Эсклюзив товарлар (ўта ноёб-қимматбаҳо товарлар);

Ф.Котлер томонидан эса бозорни истеъмол товарлари билан савдо қилиш хусусиятига кўра қуйидагиларга ажратиб кўрсатилган:

- кундалик истеъмол товарлари;
- дастлабки танлов асосида олинган товарлар;
- алоҳида талабга эга бўлган товарлар;
- пассив талабдаги товарларга бўлиш мумкин.

Истеъмол товарлари бозорлари ичида “озик-овқат товарлари бозори” алоҳида хусусиятга эга.

Аввало, озик-овқат товарлари аҳолининг физиологик эҳтиёжларини таъминлаш вазифасини бажариши билан бирга, соғлом жамиятни шакллантириш ва соғлом болани ўстириш омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам озик-овқатларни ишлаб чиқариш, сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳукуматнинг бош сиёсатига айланаган.

Озик-овқат товарлари бозорининг асосий субъектлари бўлиб, фермер ва деҳқон хўжаликлари, оилавий бизнес, мева-сабзавотларни қайта ишловчи, озик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, савдо шахобчалари, бозор комплекслари ва хизмат кўрсатувчилар ҳисобланади. Жамият ривожланиб борган сари аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг таркиби ва сифатида жиддий ўзгаришлар юз бериб боради. Шунга мос равишда, озик-овқат товарлари ассортименти ва сифатига бўлган аҳоли талаби ҳам ривожланиб бораверади. Озик-овқатлар бозори унда сотилаётган товарлар ассортиментига қараб: нон ва нон маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолатлар, мева-сабзавотлар, ичимликлар, бакалея маҳсулотлари ва бошқа бир неча турларга бўлинади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан кейин аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлигининг тез суратлар билан ўсиб бориши натижасида уларни озик-овқатларга бўлган талабини ҳам сифат жихатидан юқори даражага таъминлаб бермоқда. Озик-овқат маҳсулотларининг

ишлаб чиқарилиши ва етарли даражада бўлиши мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин эгаллаши билан бирга, уларни истеъмол қилишда физиологик, тарихий, миллий, ҳудудий, иқлим, интеллектуал хусусиятларига асосланган чегараси мавжуд. Шу билан бирга, аҳоли даромадларининг ўсиши, озиқ-овқат маҳсулотлари ичида юқори тўйимликка эга бўлган маҳсулотларга талабнинг кўпроқ намоён бўлишига олиб келмоқда.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари чекланмаган миқдорда истеъмол қилинса, озиқ-овқат маҳсулотларини фақат маълум миқдоргача истеъмол қилиш мумкин, чунки уларнинг фойдалилик чегараси камайиши қонуни амал қилади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кам эгилувчанликка эга. Шунинг учун, нарх-навонинг кескин кўтарилиши талаб миқдорини кескин камайишига олиб келмайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи нарх-навонинг ўзгаришига, табиий иқлим шароитларига ҳам боғлиқ. Юқорида келтирилган фикр - мулоҳазаларда, озиқ-овқат мажмуасида содир бўладиган бозор муносабатларида, маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятда, маркетинг тамойиллардан фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб беради.

Озиқ-овқат товарлари бозорини назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишда унинг таркибий қисмларини эҳтиёж (талаб), таклиф ва баҳо элементларини ҳам тадқиқ қилиш талаб этилади. Мазкур жараён маркетинг фаолиятини асососини ташкил этади.

Маркетинг – айирбошлаш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган инсон фаолиятининг тури, бозордаги барча субъектларининг ўзаро манфаатларига асосланган ҳаракатларини, талабни шакллантириш ва қондириш учун бирлаштиришдир. Маркетинг бу-товар ҳаракатларининг барча босқичларини ўз ичига олувчи, талаб таклифни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини яратиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш каби бозор муаммоларини ечишда яхлит тизимли ёндашишдир.

Маркетинг муаммоларига мамлакатимиз Президенти алоҳида эътиборини қаратиб: «Биз доимо ҳамма даражада маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш билан жиддий шуғулланиш зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ, бу борада амалда жуда оз иш қилинмоқда. Ички ва ташқи бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйингки бутун мамлакат катта зарар кўрмоқда»²⁰ деганлар. Ўзбекистонда маркетинг тушунчаси, моҳияти, назарияси, ҳозирги замон концепцияларини ўрганиш ва бозор субъектлари фаолиятига тадбиқ этиш механизмлари ва усуллари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. Озиқ-овқат товарлари бозорида ҳам маркетинг концепцияларини кенг қўллаш зарурияти мамлакатимизда ижтимоий – иқтисодий ривожланиш стратегияларимизни бош мезонига айланиб бормоқда.

Маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ҳам барча ташкилот ва корхоналар фаолиятида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бозор тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улардан доимо фойдаланиш, табиийки, бозор иқтисодиёти шароитида зарурий шартдир.

Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотларининг йўналишлари, албатта бозорнинг ривожланган даражаси, ундаги рақобат интенсивлиги, тегишли маҳсулотлар ва хизматлар билан машғул бўлган фирмаларнинг катта-кичиклиги, маркетинг ахбороти ва хабарнома тизимларининг шаклланиш суръати ва бошқа омилларга бевосита боғлиқ бўлади.

Шу сабабдан, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш озиқ-овқат товарлари бозорининг ривожланиш ҳолати, рақобат жадаллиги, рақобатчиларнинг ушбу бозорларда фаолият юритиш мақсадлари ва вазифалар инобатга олиниши зарурий аҳамият касб этади.

²⁰Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради. Т.7.Т. «Ўзбекистон» 1999, 321.

²¹Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгилиниш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.Ўзбекистон. 2007, 41

Озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг мақсади қуйидагиларда ўз аксини топади:

Биринчидан, корхона юқори даражада ривожланган бозор шароитида фаолият юритиши учун ўнга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таъсирини доимо назорат қилиб бориши, унга мослашиши талаб этилади. Бу жараёни бошқариш учун эса ана шу омилларни чуқур таҳлил этиб бориши лозим.

Иккинчидан, озиқ-овқат товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари деганда турли хил маркетинг муаммолари, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари бозори ривожланишининг ўлчамлари ва тенденциялари, у ёки бу маркетинг ҳолатларига жавоб реакциялари, шунингдек озиқ-овқат товарлари бозори субъектларининг бозор ривожланиши ва маркетингни бошқариш ҳақидаги маълумотларни бир тизимда йиғиш, тартибга солиш ва таҳлил қилиш тушунилади. Қуйидаги йўналишлардаги озиқ-овқат товарлари бозорининг тадқиқотларида энг муҳим бўлиб ҳисобланади:


1. Озиқ-овқат товарлари бозор сиғими ва унинг имкониятлари.
2. Тадқиқ қилинаётган ҳудуддаги аҳоли даромадларининг ўзгариши
3. Истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва мотивацияси.
4. Озиқ-овқат товарлари бозори улушларининг турли субъектлар ўртасида тақсимланиши.
5. Реклама, унинг самарадорлиги.
6. Озиқ-овқат товарларининг нарх сиёсати ва нарх эгилувчанлиги.
7. Ахборот оқимлари.
8. Озиқ-овқат товарлари ҳаракати каналлари.
9. Озиқ-овқат товарларининг ва ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг нуфузи.
11. Озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотишдаги қонунчилик талаблари ва тартиблари, чеклашлар.
12. Ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденциялари.

14. Озиқ-овқат товарлари ва фирмаларнинг рақобатбардошлик даражалари ва уларнинг стратегиялари .

15. Жамоат алоқаларининг ривож.

16. Озиқ-овқат товарлари бозорининг инфраструктураси таркиби ва ундаги ўзгаришлар.

Озиқ-овқат тизимининг маркетинг тадқиқотлари қуйидагиларни ўз ичига олади:



1.2.1-расм. Маркетинг тадқиқотлари жараёни.


Кўриниб турибдики, озиқ-овқат товарлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва жараёнлари, унинг бозор сиғими, сотилишлар динамикаси, рақобатчилар фаолияти, ижобий томонлари ва хавф-хатарлар тадқиқ қилинади. Истеъмолчиларни ўрганиш улар хатти ҳаракатларининг сабабларини аниқлашга имкон беради. Озиқ-овқат товарлари бозорининг тадқиқотлари корхона маҳсулотининг рақобатбардошлигини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, сотишни рағбатлантириш, рекламанинг ва тақсимлаш каналларининг самарадорлигини ўрганишга имкониятлар яратади.

II боб. Наманган вилояти истеъмол товарлари бозори ва унда мева-сабзавотлар ҳамда уларни қайта ишланган товарларни ўрни

2.1. Вилоят озиқ-овқат товарлари бозори ва унинг таркибини маркетинг тадқиқотлари

Озиқ-овқат товарлари бозорида таклифнинг шаклланишида асосий ўринни қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади, чунки озиқ-овқат товарлари ассортименти асосан мева-сабзавотлар, гушт, сут, балиқ, дон ва бошқа қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида шаклланади.

Мустақиллик йилларида Республика Президенти ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. 2005- 2012 йиллар давомида қишлоқ-хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди.



2.1.1-расм. Республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, (фоизда)

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ-хўжалигининг улуши 2005 йилдаги 26,3 фоиздан, 2012 йилда 17 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу аввало, мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларининг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, экин навлари ва чорва моллари зотини, уруғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасида кенг қамровли, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди.

2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат, 2013 йилнинг ўзида 2012 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

1990-2012 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробардан ортиқ мева 2,6 баробар, узум 1,3 баробардан зиёд, гушт (тирик вазнда) 1,9 баробарга, сут 2 баробардан ва тухум 2,4 баробардан кўпроқ ошганлиги фикримизнинг далилидир.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикаимиз аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган галланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги

ҳисобидан аҳолининг эҳтиёжи деярли юз фоиз ўзимизнинг ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикамызда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори барқарор ўсиб бори.

Жумладан, 2012 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 кгдан 38 кг ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 кгдан 239 кгга ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 дона ёки 142,3 фоизга ошган.

Мамлакатимизда бундай ўсиш суръатлари, авваламбор, ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгартиришларни изчил ва мутаносиб амалга ошириш орқали таъминланмоқда. Кишлоқ хўжалигида бундай натижага эришиш, авваламбор, мамлакатда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг тамал тоши тўғри қўйилганлиги, ривожланиш стратегияси ва унинг амалга ошириш йўллари юксалтиришга қаратилганлигининг исботидир.

Наманган вилоятида ҳам аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бир қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

2013 йилнинг 1 январ ҳолатига вилоят аҳолининг сони **2420,6** минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 41,1 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди.

Биз тадқиқотни Наманган вилояти истеъмол товарлари бозоридаги талаб ва уни таркибини таҳлил қилишдан бошладик (2.1.1, 2.1.2-жадвал).

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Наманган вилояти истеъмол товарлари бозорида талаб ва унинг таркиби таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил		2012 йил		Ўсиши	
		Ўзб.	Нам.	Ўзб.	Нам.	Ўзб.	Нам.
1.Бозорнинг хажми(жами чакана савдо)	Млрд сўм	21872,8	1297,0	36946,4	2166,2	103,0	107,2
2. Аҳоли жон бошига сотилди	Минг сўм	765,7	559,2	1240,8	897,9	162,0	160,6
Жумладан: 3.Озиқ-овқат товарлари хажми	Млрд сўм	10583,7	485,3	18166,4	692,0	103,0	107,2
бозордаги улуши	%	48,4	37,4	49,2	31,9	103,0	107,2
3.2. аҳоли жон бошига озиқ-овқат чакана савдо айланмаси, шундан:	Минг сўм	370,5	209,3	610,1	285,9	164,7	136,6
кормошқа сотилди	Млрд сўм	116,4	7,1	290,7	15,8	249,7	222,5
кормошқа аҳоли жон бошига сотилди	минг сўм	4,0	3,1	9,7	6,5	242,4	207,6
Унинг озиқ-овқатдаги улуши	%	1,1	1,5	1,6	2,3	145,5	156,1
сабзавотлар сотилди	Млрд сўм	391,6	36,2	672,2	62,1	171,6	171,5
сабзавот аҳоли жон бошига сотилди	минг сўм	1,3	1,6	2,2	2,6	166,7	160,1
Уларнинг озиқ-овқатдаги улуши	%	3,7	7,5	3,7	9,0	100,0	120,3
мевалар сотилди	Млрд сўм	560,9	46,1	926,5	120,1	165,2	260,5
мева аҳоли жон бошига сотилди	минг сўм	53,0	20,4	51,0	49,6	96,2	243,1
Уларнинг озиқ-овқатдаги улуши	%	5,3	9,5	5,1	17,4	96,2	182,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика ва Наманган вилояти статистика қўмитаси маълумотлари.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон ва Наманган вилояти истеъмол товарлари бозорида 2010-2012 йилларда таклиф ҳажми ва унинг таркиби таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил		2012 йил		Ўсиши	
		Ўзб	Нам	Ўзб	Нам	Ўзб	Нам
Ялпи ҳудудий маҳсулот	Млрд сўм	62388,3	2578,5	96589,8	3759,2	154,8	145,8
Саноатнинг ўрни	%	23,9	9,1	24	9,9		
Жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	Млрд сўм	11780,1	441,9	18292,7	819,2	155,3	185,4
аҳоли жон бошига	Минг сўм	404,5	195,7	609,9	338,4	150,8	173,0
Ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг чакана савдо айланмасидаги улуши	%	53,9	34,1	49,5	37,8		
Жами озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш	Млрд сўм	4010,1	279,6	6513,1	539,6	162,4	193,0
Аҳоли жон бошига озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш	Минг сўм	137,7	123,8	217,2	222,9	157,7	180,1
Жами ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш	Млрд сўм	7770,0	162,3	11779,6	279,6	151,6	172,3
Аҳоли жон бошига ноозиқ-овқатлар товарлари ишлаб чиқариш	Минг сўм	266,8	7,2	392,7	11,6	147,2	160,7
ишлаб чиқарилган озиқ-овқатларнинг, унинг чакана савдо айланмасидаги улуши	%	37,9	57,6	35,9	78,0		
ишлаб чиқарилган ноозиқ-овқатларнинг, унинг чакана савдо айланмасидаги улуши	%	2,4	0,9	2,1	0,8		
картошка етиштирилди	минг тонна	1694,8	152,8	2057,1	188,1	121,4	123,1
аҳоли жон бошига	кг	58,2	67,7	68,6	77,7	117,9	114,9
сабзавот етиштирилди	минг тонна	6346,5	439,4	7767,4	529,5	122,4	120,5
аҳоли жон бошига	кг	217,9	194,6	259,0	218,7	118,8	112,4
мева етиштирилди	минг тонна	1710,3	126,2	2052,8	157,9	120,0	125,1
аҳоли жон бошига	кг	58,7	55,9	68,4	65,2	116,5	116,7

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган вилоятининг чакана савдо айланмаси 2010 – 2012 йилларда 107,2% ўсган. Унинг таркибида озиқ-овқатларнинг Республиканинг ўртача кўрсаткичларидан юқори. 2010-2012 йилларда Республиканинг истеъмол товарлари бозорида озиқ-овқат товарларининг улуши 48,4 % ни ташкил этиб, 2012 йилда 49,2 % га ошган, бу кўрсаткичлар Наманган вилоятида 37,4 % дан, 31,9 % га қисқарган. Бунинг асосий сабаби, асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари оила хўжаликларида ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилиб истеъмол қилинишидир. Республиканинг ўртача кўрсаткичини юқорилиги эса асосан, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги аҳолини озиқ-овқат истеъмоли нисбатан юқори эканлигида деб ҳисоблаймиз. Наманган вилоятининг аҳоли жон бошига озиқ-овқат товарлари истеъмоли ҳажми Республикамизнинг умумий кўрсаткичидан паст ва 2012 йилда Республикада аҳоли жон бошига озиқ-овқат чакана савдоси 610,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Наманган вилоятида атига 345,3 минг сўмни ташкил этгани холда Республиканинг ўртача ўсиш кўрсаткичига яқин, яъни 165 % ни ташкил этган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида сабзавотларнинг улуши Республикамизда 2010 йилда 3,7 % дан 2012 йилда ўзгармаган. Бироқ Наманган вилоятида бу кўрсаткичлар 7,5 дан 9 % га ошган. Меваларнинг озиқ-овқатлар чакана савдо айланмасидаги улуши эса Республикада 2010 йилда 5,3 % дан, 2012 йилда 5,1 % га ўзгарган бўлса, Наманган вилоятида бунинг акси бўлиб, тегишли равишда 9,5 % дан 17,4 % га ошган. Вилоятимиз чакана савдо айланмаси таркибида мева-сабзавотларнинг улуши Республикамизнинг ўртача кўрсаткичларидан юқори эканлиги, бироқ, унинг истеъмоли йиллар давомида ортаётганлигини тасдиқламоқда.

Ўзбекистон ва Наманган вилояти истеъмол товарлари бозорида 2010-2012 йиллар давомидаги тақлиф ҳажми ва унинг таркибини таҳлил қилганда эса қуйидаги ҳолатлар аниқланди (2.1.2-жадвал).

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товраларининг чакана савдо айланмасидаги улуши 2010 йилда 53,9 % дан 2012 йилда 49,5

% га пастлаган бўлса, Наманган вилоятида бў кўрсаткич тегишли равишда 34,1 % дан, 37,8 % га ошган. Истеъмол товарлари бозорининг таклиф хажми Наманган вилоятида Республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан паст ва янада пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқарилаётган озиқ-овақатларнинг эса озиқ-овқатлар чакана савдо айланмасида улуши Республикада 2010 йилда 37,9 %дан 2012 йилда 35,9 % га пастлаган бўлса, Наманганда 57,6 % дан, 78 % га ошган. Бу Наманган вилоятининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши республиканинг ўртача кўрсаткичларидан юқори бўлиб, унинг ривожланиши ҳам юқори эканлигидан далолат беради. Бирок, ноозиқ-овқат товарлари билан таъминланиш даражаси Республикада атига 2 % дан юқори бўлиб, бу кўрсаткич вилоятда 1 % га ҳам етмаган улушга эга.

Саноат корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилда 1629,5 млрд. сўмга етди ёки 2010 йилга нисбатан 2,1 марта кўпайди.

2.1.3-жадвал

Наманган вилоятида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожланиши

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2013 йил	2013 йилда 2010 йилга нисбатан
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	Млрд. сўм	748,6	1629,5	2,1 марта
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми	Млрд. сўм	441,8	1013,9	2,2 марта
шу жумладан: Озиқ-овқат маҳсулотлари	Млрд. сўм	270,5	529,4	1,9 марта
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	Млрд. сўм	162,2	435,6	2,6 марта

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2010-2013 йиллар давомида истеъмол товралари ишлаб чиқариш эса 2,2 марта, улардан озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш 1,9 мартага ошди. 2013 йилда вилоятда ишлаб чиқарилаётган 70 турдаги маҳсулотларнинг асосий қисмида ишлаб чиқариш 2010 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш

суръатлари таъминланган бўлсада, 24 турида ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган.

Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ислохотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқмоқда.

Фермер хўжаликларини янгича хўжалик юритиш механизминини жорий этилиши, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтириладиган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобларининг бозор иқтисодиётига мос асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Фермер хўжаликларини иқтисодий мустақиллиги кенгайиб бормоқда.

Вилоятда 2008-2013 йиллар довомида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ва унда қишлоқ хўжалигининг ўрнини 2.1.4-жадвалдан кўришимиз мумкин.

2010 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 630,1 млрд.ни ташкил этиб 33,8 % улушга эга бўлса, 2013 йилда 2429 млрд, сўмни ёки ҳудудий маҳсулотдаги улуши 48,8 %ни ташкил этди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2010 йилга нисбатан 2013 йилда қарийб 3,8 мартага ўсган. Бу кўрсаткич, ўз навбатида, саноат ва бошқа тармоқларни қишлоқ хўжалигига нисбатан етарли даражада ривожланмаётганлигидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 1623,1 млрд.сўмни, чорвачилик маҳсулотлари 805,9 млрд.сўмни ташкил этди. Жами маҳсулотда деҳқон хўжаликларининг улуши 2010 йилда 67,7 %, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 0,7 %, фермер хўжаликларининг улуши эса 30,6 %

бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар 2013 йилда тегишли равишда 68,4 %, 1 %, 30,6 %ни ташкил этди.

2.1.4-жадвал

Наманган вилоятида қишлоқ хўжалигини ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ўрни

Кўрсаткичлар	Ўлчов билиги	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2010 йилга нисбатан
ЯИМ	млрд сўм	1863,4	2944,4	3759,2	4969	2,6 марта
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млн сўм	630,1	1012,7	1307,7	2429	3,8 марта
Қишлоқ хўжалигининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши	%	33,8	34,3	34,7	48,8	

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси
маълумотлари асосида тайёрланди

2.1.5-жадвал

Наманган вилоятида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ассортименти

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2013 йил	Аҳоли жон бошига	
				Наманган вилоятида	Ўзбекистонда
1	Пахта	тонна	232761	94,6 кг	115
2	Дон	тонна	516385	210,0 кг	251
3	Картошка	тонна	207279	84,3 кг	57
4	Сабзавот	тонна	574564	233,7 кг	215
5	Полиз	тонна	63451	26 кг	40
6	Мева ва резаворлар	тонна	182026	74,0 кг	58
7	Узум	тонна	98606	40,1 кг	33
8	Гўшт	тонна	99754	40,6 кг	17
9	Сут	тонна	498738	202,8 л	209
10	Тухум	минг дона	217425	88,4 дона	104

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси
маълумотлари асосида тайёрланди.

Вилоятда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб
чиқариш кўрсаткичларини Республиканинг ўртача кўрсаткичлари билан

таққосланганда дон, сут, тухум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичлари ҳам пастлиги тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли қарорини вилоятда бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

2.1.6-жадвал

Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожланиши

Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ўлчов бирлиги	жами			Аҳоли жон бошига		
		2010 й	2012 й	марта	2010 йил	2012 йил	%
Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш жами шу жумладан	млн сўм	270579,9	529435,1	1,9	123,8 минг сўм	222,9 минг сўм	182,6
гўшт	тонна	5789,0	14865,2	2,5	2,6	6,1	239,6
макарон	тонна	2560,0	7035,0	2,7	1,1	2,9	256,4
ун	тонна	140723,0	210988,0	1,4	62,3	87,2	139,9
колбаса	тонна	257	2690,0	1	0,1	1,1	976,6
сут	тонна	23443,0	36201,3	1,5	10,4	15,0	144,1
қуруқ мева	тонна	1085,0	1147,0	1	0,5	0,5	98,6
қуруқ сабзавот	тонна	1995	1453,0	72 %	0,9	0,6	68,0
қандолат	тонна	459	3490,0	7,6	0,2	1,4	709,4
консервалар	минг шартли банка	38009,0	28900,0	76 %	16,8	11,9	70,9

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

Наманган вилоятида аҳоли жон бошига озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш 2010 йила нисбатан 2012 йилда 186 % га ўсган. 2010-2012 йиллар довамида

вилоятда гўшт ишлаб чиқариш 2,3 мартага, макарон ишлаб чиқариш эса 2,5 мартага, ун ишлаб чиқариш 139 % га, калбаса ишлаб чиқариш 10 марта, сут ишлаб чиқариш эса 144 % ўсган. Бироқ куруқ мева, куруқ сабзавот ва консервалар ишлаб чиқариш хажмлари 2010 йилга нисбатан 2012 йилда оз бўлган (2.1.6-жадвал).

Мева ва сабзавотларни қайта ишлашни янада ривожлантириш мақсадида вилоятда 2008-2012 йилларда 8 та гўштни ва 8 та сутни қайта ишлаш корхоналари ҳамда 4 та хом сутни қабул қилиш пунктлари ташкил этилди. Вилоятдаги ҳар бир туманда енгил конструкцияли ёкилғининг муқобил манбаларидан фойдаланадиган иссиқхона ташкил этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан, вилоятда 55,6 гектар майдонда 86 та иссиқхона ташкил этилди, 29 та паррандачилик фермалари ташкил этилиб, 116,6 минг бош парранда боқиш йўлга қўйилди, 100 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этилди.

Вилоятда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида озиқ-овқатлар савдосида муҳим ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

2.1.7-жадвал

Наманган вилояти бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг турларининг аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси таркиби

сўм

маҳсулотлар номи	2010 й		2012 й		ўсиши (%)	
	Республика	Наманган вилояти	Республика	Наманган вилояти	Респуб-лика	Наманган вилояти
Гўшт	2201,0	79,6	3178,1	130,7	144,4	164,2
Сут ва сут маҳсулотлари	179,7	3,6	248,4	1,3	138,2	36,1
Тухум	266,5	17,0	382,3	40,4	143,5	237,6
Ун (нон ва макарон маҳсулотларини қўшган ҳолда)	1972,6	62,9	2571,6	57,9	130,4	92,1
Картошка	294,4	7,1	309,0	15,5	105,0	218,3
сабзавот	1300	1652	2251	2621	166,7	160,1
Мевалар, узум ва полиз	5325	2040	5158	4965	96,2	243,1

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

Вилоятимиздаги деҳқон бозорлари ва хизмат кўрсатиш корхоналарида доимий ўтказилаётган кузатувлар натижаларига кўра асосий озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар нархларининг 2012 йилнинг декабр ойидаги ўзгариш индекслари 2.1.8-жадвалдаги ҳолатда бўлди.

2006-2012 йиллар давомида мева-сабзавотларнинг асосий тури бўлган картошка нархи 3 мартага, пиёзнинг нархи 2,3 мартага, сабзининг нархи эса 1,6 мартга, карам нархи эса 2,7 мартага, олма нархи эса 6 мартага ўсган. Вилоятда мева-сабзавотлар ассортиментидан энг катта савдо улушига кўра олма юқори ҳисобланади. Олманинг ҳарид нарҳини 6 мартага ўсгани вилоятда уни етиштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш заруриятини келтириб чиқаради.


2.1.8-жадвал
Асосий озиқ-овқат молларининг ўртача нархларини солиштирма кўрсаткичлари
сўм

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2006 йил 20.12 кунига	2008 йил 20.12 кунига	2010 йил 20.12 кунига	2012 йил 20.12 кунига	2012 йилда 2006 йилга нисбатан ошиши, (марта)
Мол гўшти	кг	3338	6700	10625	14566	4,4
Қўй гўшти	кг	3898	7800	12200	16452	4,2
Сариёғ	кг	3550	6542	8059	10165	2,9
Ўсимлик ёғи	литр	2074	2129	2493	3761	1,8
Сут	литр	225	600	877	902	4,0
Қаймоқ (сметана)	литр	1950	4800	6150	6500	3,3
Сузма (творог)	кг	1000	2664	2850	4200	4,2
Шакар	кг	1200	1350	3330	3400	2,8
Қора чой	кг	4200	5000	9305	11000	2,6
1чи навли нон	кг	283	500	667	700	2,5
1чи навли ун	кг	289	830	1040	1100	3,8
Макарон маҳсулот.	кг	500	1877	1950	2300	4,6
Тухум	10 дона	1038	2447	2546	3200	3,1
Гурунч	кг	944	2710	1900	2300	2,4
Картошка	кг	361	650	703	1100	3,0
Пиёз	кг	193	800	473	450	2,3
Сабзи	кг	141	310	335	220	1,6
Карам	кг	150	250	350	410	2,7
Олма	кг	360	788	1904	2000	5,6


Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

2.2. Мева – сабзавотларнинг етиштириш кўрсаткичлари таҳлили

Вилоятда боғдорчилик агротехикасини илғор усуллари қўллаш ва меваларни ҳосилдор навларини яратиш ҳисобига боғдорчилик соҳасида ижобий ўзгаришларга эришилмоқда



2.1-расм. Мева-сабзавотлар бозорига таъсир этувчи омиллар



2.2.2-расм. Мева-сабзавотлар бозори субъектлари

Мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабнинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни қуйидагилар деб белгилашимиз мумкин:

- Физиологик омиллар;

- Ижтимоий омиллар;
- Иқтисодий омиллар;
- Худудий ва географик;
- Психологик;
- Этик ва эстетик омиллар;

Вилоят шаҳар ва туманларида мавжуд бўлган мева боғлари ҳақидаги маълумотлар 2.2.1-жадвалда кўрсатилган.

Наманган вилояти боғлари асосан қўйидаги меваларни етиштиришга ихтисослашган:

- Уруғли мевалардан – олма, нок, беҳи, дўлана
- Данакли мевалардан – гилос, олча, ўрик, шафтоли, жийда,
- Резавор мевалардан – узум, крижовник, смородина, қлупнай, малина, маймунжон,
- Субтропик ва тропик мевалардан - апельсин, мандарин, лимон, анжир, анор, хурмо,
- Ёнғоқ мевалардан – ёнғоқ, бодом, pista, ер ёнғоқ ва каштан.

2.2.1-жадвал

Наманган вилоятидаги мева боғлари тўғрисида маълумот 2013 йил 1 январ ҳолатига

га

№	Шаҳар ва туманларнинг номи	Мевага кирган боғлар	Ёш боғлар	Жами
Вилоят бўйича жами		21454	3844	25298
1	Наманган ш.	517	38	555
2	Мингбулоқ	650	275	925
3	Косонсой	1147	550	1697
4	Наманган	1336	218	1554
5	Норин	538	271	809
6	Поп	1677	146	1823
7	Тўрақўрғон	1220	429	1649
8	Уйчи	1410	303	1713
9	Учкўрғон	720	277	997
10	Чортоқ	2558	263	2821
11	Чуст	3206	257	3463
12	Янгиқўрғон	6475	817	7292

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги деҳқон ва фермер хўжаликларида жамми 12992 гектар майдонда сабзавот, 25298 гектарда мева етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик сабзавотда 2012 йилда 236.5 ц/га, мева 62.9 ц/га га тенг бўлди. (2.2.2-жадвал). Энг юқори ҳосилдорликка сабзавот бўйича Уйчи, Учқўрғон ва Мингбулоқ туманларида эришилган. Мева етиштириш бўйича Намаган, Норин, Учқўрғон ва Чортоқ туманларидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари яхши натижаларга эришмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги барча тоифадаги хўжаликларда мева-сабзавот етиштириш ҳосилдорлигини сезиларли даражада ўсиб бориши аҳолини бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришда ўзига ҳос аҳамиятни касб этмоқда.

2.2.2-жадвал

Вилоят шаҳар ва туманларида етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг 2013 йилдаги ҳосилдорлиги

№	Шаҳар ва туманларнинг номланиши	Сабзавот		Мева	
		Майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га
Вилоят бўйича		12992	236,5	25298	62,9
1	Наманган ш.	353	255,6	555	40,0
2	Мингбулоқ	341	252,2	925	55,5
3	Косонсой	910	165,9	1697	52,1
4	Наманган	2184	202,2	1554	75,6
5	Норин	784	231,0	809	65,2
6	Поп	588	227,3	1823	54,8
7	Тўрақўрғон	733	193,9	1649	61,2
8	Уйчи	1210	353,4	1713	55,3
9	Учқўрғон	1531	294,4	997	61,8
10	Чортоқ	1124	211,5	2821	61,4
11	Чуст	815	224,7	3463	51,3
12	Янгиқўрғон	2419	218,8	7292	53,4

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган вилоятининг деярли барча шаҳар ва туманларидаги хўжаликларида мева етиштириш кўрсаткичлари 2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўсган. Фақатгина, Учқўрғон туманидагина мева етиштириш 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 11,6 фоизга пасайган. Бунинг асосий сабаби туманда мева етиштиришга ажратилган ер майдонларини қисман

қисқариши ва олдинги йилга нисбатан ҳосилдорликни бир оз камайганидир.

Шунингдек, вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги барча тоифадаги хўжаликларида сабзавот етиштириш ҳажми сўнгги йилларда ўсди.(2.2.3-жадвал)

Вилоят бўйича барча тоифадаги хўжаликларда жами 2012 йилда 529456 тонна, 2010 йилда эса 439425 тонна сабзавот етиштирилган бўлиб, 2012 йилда олдинги йилга нисбатан 20,5 фоизга ўсган. 2.2.3-Жадвал маълумотларидан маълумки, фақатгина Тўрақўрғон туманида сабзавот етиштириш кўрсаткичи 2012 йилда 2,3 фоизга камайган холос. Бунинг сабаби сабзавот етиштириш майдонини бир оз қисқартирилганлигидир.

2.2.3-жадвал

**Наманган вилояти шаҳар ва туманларидаги барча тоифа
хўжаликларида мева етиштириш кўрсаткичлари**

(тонна)

№	Шаҳар ва туманлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбати ўсиши (%)
Вилоят бўйича жами		126294	138120	157975	125,1
1	Наманган ш.	2026	2164	2329	114,9
2	Мингбулоқ	5002	5039	5111	102,2
3	Косонсой	6917	7536	8649	125,0
4	Наманган	10819	11755	12532	115,8
5	Норин	5200	5275	6000	115,4
6	Поп	6423	9983	12674	197,3
7	Тўрақўрғон	9245	10100	11761	127,2
8	Уйчи	8402	9475	10722	127,6
9	Учқўрғон	4884	6161	4317	88,4
10	Чортоқ	16874	17334	19990	118,5
11	Чуст	17242	17750	22682	131,5
12	Янгиқўрғон	33260	35548	38208	114,9

Манба: Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан тайёрланди.

Кейинги йилларда вилоятда аҳоли жон бошига мева-сабзавотлар ишлаб чиқариш ошиб бормоқда. Маълумотларни 2.2.4-жадвал ёрдамида таҳлил этиб ўтамыз.

Наманган вилоятида аҳоли жон бошига мева-сабзавот етиштириш

2012 йилда 2010 йилга нисбатан мос равишда 22,1 ва 17,7 фоизга ошди. Чунки, аҳоли сонининг ўсиб бориши талабни ҳам ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

2.2.4-жадвал

Наманган вилояти шаҳар ва туманларидаги барча тоифа хўжаликларида сабзавот етиштириш кўрсаткичлари (тонна)

№	Шаҳар ва туманлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбати ўсиш, (%)
Вилоят бўйича жами		439425	488690	529456	120,5
1	Наманган ш.	12953	14395	16420	126,8
2	Мингбулоқ	12623	15123	16203	128,4
3	Косонсой	19711	20457	24011	121,7
4	Наманган	78836	85307	87742	111,3
5	Норин	26801	27566	29051	108,4
6	Поп	15367	20317	21750	141,5
7	Тўрақўрғон	26988	29934	36152	97,7
8	Уйчи	49901	54881	58830	117,9
9	Учқўрғон	42588	49432	52981	124,4
10	Чортоқ	45790	51285	55935	122,2
11	Чуст	33568	40162	43415	129,3
12	Янгиқўрғон	74299	79831	86966	117,0

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Мева-сабзавотлар етиштириш кўрсаткичларини вилоятнинг шаҳар ва туманлари мисолида аниқланганда жуда катта фарқларни кўришимиз мумкин. Мева етиштиришда Чортоқ ҳамда Янгиқўрғон туманларининг салмоғи юқори. Бунинг сабаби туманларнинг қишлоқ хўжалиги асосан мева етиштиришга ихтисослаштирилган. Сабзавотлар етиштириш бўйича Наманган, Чуст, Уйчи ва Учқўрғон туманлари етакчилик қилмоқда. Чунки сабзавотлар етиштиришда сув ресурсларининг ва турпоқлар унумдорлиги бу туманларда ўрни юқори ва етарли даражада таъминланган.

Вилоятдаги 772 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги томорқа майдонига эга бўлган 417597 та хонадонлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда булар тасарруфидаги 30 минг 18 гектар экин майдонларининг 4 минг гектарига ғалла, 8,2 минг гектарига сабзавот, 4,8 минг гектарига картошка, 4,4 минг гектарига полиз ва 8,6 минг гектарига озуқа экинлари экиш

ишлари олиб борилмоқда. Мавжуд аҳоли томорқаларининг 21,3 гектарига такрорий экинларни экиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

2.2.5-жадвал

Наманган вилоятида ишлаб чиқарилаётган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ассортименти

тонна

№	Маҳсулот турлари	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўсиши %
1	Олма	29546	27423	92,8
2	Узум	37072	46305	124,9
3	Нок	13348	13136	98,4
4	Шафтоли	14641	16732	114,3
5	Ўрик	16546	20423	123,4
6	Анор	10120	13228	130,7
7	Гилос	10412	11582	111,2
8	Хурмо	16763	19568	116,7
9	Тропик ва бошқа мевалар	18213	25752	141,4
10	Сабзи	177003	180340	101,9
11	Картошка	123710	143672	116,1
12	Помидор	43250	47600	110,1
13	Бодиринг	68420	69230	101,2
14	Пиёз	164200	174350	106,2
15	Қовун-тарвуз ва бошқалар	38123	40136	105,3

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда вилоятда баъзи маҳсулот турлари бўйича таклиф қилинаётган ассортиментларда ўсиш бўлди. Жумладан, ўрик, шафтоли, анор, гилос, хурмо, тропик ва бошқа мевалар, помидор, бодиринг, пиёз, картошка, қовун-тарвузларни бозорлардаги таклифи ортди. Айниқса туманларда аҳоли жон бошига мева-сабзавотлар ишлаб чиқариш бўйича 2011-2013 йиллар довомида юқори ўсиш сураглари таъминланди. Аҳоли жон бошига мева етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон ва Наманган туманлари бўлса, сабзавотларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича Чортоқ, Чуст ва Янгиқўрғон туманлари хисобланади (1-2-иловада)

Вилоятда 2012 йилда мевалар бўйича ялпи ҳосил 157,9 минг тонна, сабзавот бўйича 529,5 минг тоннани ташкил этган. 2011-2012 йиллар

давомида олма ва нокдан ташқари бирча турдаги мева-сабзавотларни етиштириш кўрсаткичлари ўсганлигини 2.2.6-жадвалдан кўришимиз мумкин.

2.2.6-жадвал

Вилоят аҳолисининг мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган талаби ва уни қондирилиши кўрсаткичлари

(минг тонна)

№	Маҳсулот тури	Бир кишига йиллик меъёр (кг, дона)	Йиллик меъёр бўйича талаб ҳажми	2013 йил вилоят бўйича ишлаб чиқариш ҳажми	Меъёрга нисбатан фарқи (+,-)	Жами ишлаб чиқаришда	
						Фермер хўжаликлар и улуши, (%)	оилавий хўжаликнинг улуши, (%)
1	Мева	99,1	138,7	182,0	43,3	55,7	44,3
2	Сабзавот	160,8	277,8	574,5	296,7	34,4	65,6
3	Полиз	19,3	47,5	63,4	15,9	31,2	68,8
4	Узум	13,9	34,2	98,6	64,4	44,1	55,9

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

Мева-сабзавотларни истеъмол қилиш ва ундаги инсон организми учун зарур бўлган элементларнинг тегишли меъёрлари бўйича бир кишининг мева сабзавотларга бўлган физиологик меъёрлари белгиланган. Белиланган физиологик меъёр бўйича Наманган вилояти учун 138,7 минг тонна мева, 277,8 минг тонна сабзавот, 47,5 минг тонна полиз ҳамда 34,2 минг тонна узумга бўлган физиологик эҳтиёжи мавжуд. Наманган вилоятида етиштирилаётган мевалар 43,3 минг тонна ҳамда сабзавотлар эса 296,7 минг тоннага кўп. Бу кўрсаткичлар вилоятимизда мева-сабзавотлар ва улардан қайта ишланган товарлар экспортини оширда жуда катта имкониятлар мавжудлигини тасдиқламоқда. Шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, сақлаш тизимини ривожлантириш каби масалалар кун тартибда турибди.

2.2.7-жадвал

Наманган вилоятида интенсив боғларни ташкил этилиши тўғрисида маълумот

(гектар)

№	Шаҳар ва туманлар	Жами боғлар,		Шундан интенсив боғлар		
		2011 йил	2012 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Мингбулок	1017,5	1017,5		7	
2	Косонсой	1818	1858	60	15	
3	Наманган	1532	1574		8	
4	Норин	531	531		2	
5	Поп	2531,3	2531,3	50		
6	Тўрақўрғон	1010,8	1010,8		5	
7	Уйчи	1713	1729,5		5	
8	Учқўрғон	589,5	589,5		6	
9	Чортоқ	3140	3290	54	85	127
10	Чуст	3902	3922	3	10	7
11	Янгиқўрғон	8214	8317	55	28	106
12	Наманган ш.	595,2	595,2			
Жами		26594	26966	222	171	352

Манба: жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан

Вилоятда мева етиштириш хажмини ошириш мақсадида бир қатор ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқилган ва уларнинг натижасида боғдорчилик тизимида янги йўналиш сифатида интенсив боғларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2.2.7-жадвалда вилоятимизда 2011-2013 йиллар довамида яратилган интенсив боғларни ташкил этилиши таҳлили келтирилган. Интенсив боғларни мамлакатимиздаги самарадорлигини тадқиқотларда 4-5 мартага юқори эканлиги асосланган. Бироқ вилоятимизда интенсив боғларни ташкил этиш умумий боғларнинг 1 % дан ҳам камроқ қисмига тўғри келмоқда. Шунинг билан бирга, йиллар давомида интенсив боғларни яратилиш режаси ҳам жуда паст. Учқўрғон, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи, Поп туманларида 2013 йилда умуман интенсив боғлар яратилмаган.

2.3. Мева – сабзавотларни қайта ишлаш ва қишки мавсумга сақлашни ривожланиши

Мамлакатимиз мева-сабзавот ва узум етиштирувчи йирик ҳудуд ҳисобланади. Унда шафтоли, олма, узум ва сабзавотларнинг юзлаб

турлари етиштирилади. Ҳар йили 500 минг тоннадан ортиқ мева ва 500 минг тоннага яқин узум етказиб берилади.

Сабзавот маҳсулотларининг асосий қисми қайта ишланмайди. Узумнинг асосий қисми, яъни техник нави қайта ишланади. Шунингдек, хураки узумнинг “коптина” навлари ҳосили тез сифатини йўқотиши туфайли кўпроқ қисми қайта ишланади ёки қуритилиб, майиз қилинади.

Мева-сабзавот шарбатлари ишлаб чиқариш хусусиятларига қараб бир нечта турларга, жумладан, табиий ёки концентрантлар асосида тайёрланган, витаминлаштирилган ёки тиниклаштирилган турларга ажратилади. Табиий тиниклаштирилган мева шарбатлари ўзига хос хусусиятлари - ҳуштамлиги, ҳушбуйлиги ва шифобахшлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Мевалардан олинган нектарлар ҳам юқори баҳоланмоқда ва уларнинг истеъмоли тобора ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб шуки, ушбу шарбатлар ўзида кўпроқ ҳўл мевага хос бирикмаларни сақлаб қолиши ва уни ишлаб чиқариш бошқа мева шарбатларига нисбатан арзонлигига асосланади. Тадқиқот натижаларига кўра, мева шарбатлари ичида кўпроқ истеъмол қилиниши жиҳатидан олма, апельсин, узум ва беҳи меваларнинг шарбатлари олдинги ўринларда турса, сабзавот шарбатлари ичида помидор ва сабзи шарбатлари алоҳида ўрин тутади.

Мева-сабзавотларини қайта ишлашни такомиллаштириш ва ривожлантириш республика иқтисодиётини ўсишига таъсир этувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимида бозор муносабатларни ривожлантириш зарур. Бу борада, республикада бир қатор ижобий ишлар олиб борилган. Жумладан, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, нобуд қилмай, ўз вақтида қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, экспорт қилиш бўйича ташқи бозорларни кенгайтириш борасида ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари асосида “Ўзмева-сабзавот-узум-саноат-холдинг” компанияси ташкил этилган. У ўз

таркибига 89 та хўжаликни бириктиради ва улар 27 агрофирмани ташкил этади. Компания қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари қувватларидан фойдаланишни кўпайтириш, хусусан, узумни қайта ишлаш бўйича 85 фоизга, сабзаёт бўйича 70 фоизга, мевалар бўйича эса 60 фоизга оширишни кўзда тутди. Мева-сабзаёт етиштирувчи ва қайта ишловчи, сотувчи корхоналар ўртасида илмий-техникавий, иқтисодий ва маънавий муносабатлардаги ҳамкорлик бир-бирига мутаносиб бўлишини ҳам талаб этилмоқда. Бундан ташқари, қайта ишлаш саноти соҳаларида контрактация шартномалари мукамал тузилиши ва мева-сабзаёт тармоғида саноатбоп навларни яратиш, улардан янги турдаги арзон, тўйимли шарбатлар ва киёмлар тайёрлаш долзарб масаладир.

Мамлакатимизда мева-сабзаёт бозорининг умумий ривожини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Лекин, мева-сабзаёт етиштириш, саралаш, сақлаш ҳаражатлари шаклланишида ёқилғи-мойлаш материаллари, транспорт ва моддий ресурслар учун тўловларнинг жуда юқорилиги-тайёрлаш ва сақлаш тармоғидаги корхоналарини зарар билан ишлашига олиб келмоқда.

Қайта ишланган мева-сабзаёт маҳсулотларининг асосий турларига концентратланган ва табиий шарбатлар, мева ва сабзаёт пасталари, пюрелар, қуритилган мева-сабзаёт маҳсулотлари, консерва маҳсулотлари, (жемлар, мурабболар, тузламалар, маринадлар) кабилар киради.

Қуритилган мева-сабзаёт маҳсулотларини 3 гуруҳга бўлса бўлади: қуритилган мевалар (майиз-кишмиш, туршак, олма, олхўри, қуруқ компот аралашмаси), қуритилган сабзаётлар (пиёз, сабзи, қарам, лавлаги, қалампис, бақлажон, шолғом, укроп, петрушка ва ҳар хил сабзаётлар) ва ёнғоқлар (ёнғоқ, ер ёнғоқ, бодом).

Мева-сабзаёт консерваларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- сабзаёт (ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 70 %, шу жумладан, 60 % томатлар ҳисобига);

- мева (30 %).

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш асосан кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан амалга оширилмоқда (2.3.1-жадвал)

Наманган вилоятида мева-сабзавотлардан қайта ишланган маҳсулотларни 4 та гуруҳга ажратиб таҳлил қилишимиз мукин:

- Қуруқ мева ишлаб чиқариш
- Қуруқ сабзавот ишлаб чиқариш
- Мева – сабзавот консервалари ишлаб чиқариш
- Узум виноси ишлаб чиқариш

Вилоятда мева-сабзавотларни қайта ишлаш даражаси 2010-2012 йиллар давомида ўсиш даражаси кузатилмаган. Қуруқ мевалар ишлаб чиқариш 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 62 % га тушиб қолган. Бунинг асосий сабаби кичик корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилмаган, микрофирмалар томонидан қуруқ мевалар ишлаб чиқариш 156 % га ўсган. Қуруқ мевалар ишлаб чиқариш бўйича асосий улуш уй хўжалигига тегишлидир. Бироқ, бундай ҳолатни ижобий деб бўлмайди, сабаби уй хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган қуруқ меваларни тегишли меъёр талабларига жавоб бермаслиги ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлик кўрсаткичлари паст бўлади. Бундай ҳолат қуруқ сабзавотлар ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам кузатишимиз мумкин. Мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш эса 2010 йилга нисбатан 2012 йилда 76 %ни ташкил этиб 24 % қисқарган. Бунинг асосий сабаби консервалари ишлаб чиқарувчи 3 та йирик корхоналарнинг ишлаб чиқаришини қисқаришидир. Консервалар ишлаб чиқариш бўйича энг катта улуш уй хўжали ва қўшма корхоналардир. Вилоятдаги кичик корхоналар томонидан эса ишлаб чиқариш юқори эмаслигини кўришимиз мумкин. (2.3.2-жадвал)

2.3.1-жадвал

Наманган вилоятида мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар тавсифи ва муаммолари

Корхона Номи	Фаолият тури	Технологик линиялар Рўйхати	Ишлаб чиқарётган маҳсулот ассартименти	Лойиҳа бўйича тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш куввати, тонна/йил	Хакикатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (тонна)	Мавжуд муаммолар ва таклифлар (ҳом ашё, идишлар, айланма маблағ ва бошқалар.)
1	2	3	4	5	6	7
“Мадад малҳам шарбати” МЧЖ	консерва ишлаб чиқариш ва қадоқлаш	Автоклава, Веникоп, дробилка, притирка	Томат пастаси Сок Консерва маҳсулотлари	3 5 26 минг дона 5	3 5 26 минг дона 5	Корхонани тўла қувватда ишлатиш учун табиий газ таъминотини яхшилаш.
“Афруз-Камол- Наби” МЧЖ	Мева- сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, куритиш	Мева ва сабзавотларни куритиш ускунаси	Мева -сабзавотлар	1500	1500	Электр таъминоти, тайёр маҳсулотни экспортга чиқариш муаммоси бор
“Наманган- агроэкспорт- сервис” А.Ф	консерва ишлаб чиқариш. Куритиш	Коцерва Индекс-6 Болгария Бектем –туркия Сушка – югославия	Томат Мева соки Концентрат Куритилган мева- сабзавот	50 20 20 130	50 20 20 130	Мавсум даврида электр узилишлари, Маҳсулот сотиб олиш учун нақд пул етишмайди
"Marvel Juice Co." ОАЖ	олма концентратини ишлаб чиқариш	Коцерва Индекс-6 Болгария	олма, урик, шафтоли, концентрати	1000	1000	Газ ва хомашё кам
"ОДИНА- ЗУБАЙДА" куп тармокли хусусий фирмаси	мева-сабзавот- ларни саралаш майдалаш, уруғдан ажиратиш	Каскад мева- сабзавот- ларни саралаш, майдалаш, уруғдан ажратиш	тамат паста, консерва маҳсулотлари	300	300	Газ таъминоти, кадоқлаш банкалари ва қапкоғлар,банкдан айланма маблағ учун фоизи кам кредит ажратиш, маҳсулот сотиб олиш учун нақд пул.

1	2	3	4	5	6	7
"SARDOBA TOMAT PASTASI" M.CH.J	тамат паста ишлаб чиқариш	Мева- сабзавотларини саралаш, майдалаш, Россия асбоб ускуналари	тамат паста	15	15	Газ таъминоти, электр таъминоти, банкдан айланма маблағ учун фоизи кам кредит ажратиш, маҳсулот сотиб олиш учун нахт пул
"Тўрақўрғон Ширинлик Агро" ҚҚ	Курук мева ва сабзавот ва дукакликлар	SANDVIK 2-10- 10-10 2 дона WALLNUT SHELING LINE Comersial(АҚШ) 1990 йил	куритилган сабзавот ёнгок ва данак курук мева дукакликлар	540 3000 2500	1540 3000 2500	хом ашё етарли эмас, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларни экин режасига киритиш
“Умид истиқбол сари” корхонаси	консерва ишлаб чиқариш	Веникоп	томат пастаси	25	25	Корхонани тўла қувватда ишлатиш учун табиий газ таъминотини яхшилаш, ишлаб чиқариш цехи учун бино иншоат керак
"HILOL AGRO INVEST" M.CH.J	Томат ишлаб чиқариш		Консерва, томат пастаси	200	200	Газ ва хомашё камлиги

Манба: Наманган вилояти ҳокимлигининг маълумоти.

**Наманган вилоятида мева-сабзавотларни қайта ишлашни
ривожланиши**

(тонна)

Маҳсулотлар	Ўлчов бирлиги	2010 й	2011 й	2012 й	2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўсиши (%)
Қуруқ мева ишлаб чиқариш, Шундан:	Тонна	1844,0	1329,0	1147,0	62
Кичик қўшма корхоналарда	-//-	0,0	618,0	70,0	0
Кичик корхоналарда	-//-	1131,0	0,0	0,0	0
Микрофирмаларда	-//-	43,0	11,0	67,0	156
Уй ҳўжалигида	-//-	670,0	700,0	1010,0	151
Қуруқ сабзавот ишлаб чиқариш Шундан:	Тонна	2328,0	1775,0	1453,0	62
Кичик корхоналар	-//-	1031,0	470,0	60,0	6
Кичик қўшма корхоналар	-//-	172,0	300,0	420,0	244
Микро қўшма корхоналар	-//-	335,0	195,0	33,0	10
Уй ҳўжалиги	-//-	790,0	810,0	940,0	119
Консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш Шундан:	минг шарт банка	38009,0	20660,0	28900,0	76
“Агромир Чуст” КК		8374,0			0
"Марвэл Джус Ко" КК		8751,0			0
"Марвэл Джус Ко Янгиқўрган КК		1199,0			0
Микрофирмалар		205,0	200,0	290,0	141
Кичик корхоналар		945,0	2860,0	3130,0	331
Уй ҳўжалиги		8855,0	9030,0	11100,0	125
Ердамчи ҳўжалиги		140,0	180,0	180,0	129
Кичик қўшма корхоналар		9540,0	8390,0	14200,0	149
Ўзум виноси ишлаб чиқариш Шундан:	минг дал.	178,0	50,9	210,0	118
"Наманган-вино" а.ж	-//-	166,0	33,0	150,0	90
“Янгиқўрган Шароби” МЧЖ	-//-	0,0	6,9	60,0	0
Кичик корхоналар	-//-	10,0	11,0	-	0
Микрофирмалар	-//-	2,0	0,0	-	0

*Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари
асосида тайёрланди.*

**Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарни
модернизациялаш, ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги
қувватлар ташкил этишнинг аниқ йўналтирилган дастури бўйича
2009-2012 йилларда амалга оширилган лойиҳалар**

Корхона номи	Ишлаб чиқарадига н маҳсулот	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати	Лойиҳага сарф этилган маблағ (млн. сўм)	Яратилган иш ўрни
"Ибрат Ривож меваси" ХК	тама тама пастами	500 тонна	40	12
"Кўхинур" МЧЖ	узум виноси	20 минг дал	22	4
"Чуст агромир" КК	мева консерваси	300 тонна	350	100
"Росман Поставка" МЧЖ	қуритилган мева- сабзавт	132 тонна	375	26
"Золотой сок" ХК*	Қуритилган мева ва сабзавот	300 тн	180,0	17
"Рохат" АЖ	Қуритилган мева ва сабзавот	120 кг кунига	28,0	6
"Шарипов савдо саноат" МЧЖ	Қуритилган мева ва сабзавот	120 кг кунига	35,0	10
"Абдулазиз Азизбек Севара" МЧЖ	Қуритилган мева ва сабзавот	400 тн.	55,0	10
"Одина Зубайда" МЧЖ	Мева- сабзавотни қайта ишлаш	4,0 минг тонна	100,0	10
"Ўзулгуржисавдоинвест" " МЧЖ	Музлаткич омбор	мавсумд а 3000 тонна	1988,0	50
"Афруз Камол Наби" ҚК****	Қуритилган сабзавотлар	300 тн	900,0	20
"Наманган Озиқ-овқат Агро Экспорт" МЧЖ	Музлаткич омбор	1,5 минг тн	2400,0	5

Манба: .Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган вилоятида мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш мақсадида бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда ва янги қувватлар қўшилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида”ги 232-сонли қарори билан мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарни модернизация қилиш бўйича 2.3.4-жадвалдаги лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 августдаги “Республика ҳудудларида 2013-2014 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага жамғариш ишларини тизимли ташкил қилиш ҳисобига аҳоли эҳтиёжини ва ички истеъмол бозорида озиқ-овқат хавфсизлигини ҳамда нарх-наволарни барқарор сақланишини таъминлашга қаратилган” қарорни бажарилишини таъминлаш мақсадида Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан мева-сабзавотларни 2013-2014 йилги қишки мавсумга сақлаш бўйича махсус режаси тасдиқланди.

Режага асосан вилоятда асосан йирик сақловчи корхоналарнинг жумладан, “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси корхоналари, бозорлар уюшмаси, “Заминагросавдоинвест” МЧЖларги мева-сабзавотларни қиш ва баҳор мавсумига қўйиш режаси тасдиқланди (3-илова).

Шунинг билан бирга, вилоятда мева-сабзавот, картошка ва асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 2013-2014 йиллар куз қиш мавсумида тайёрловчи корхоналар ва ташкилотларнинг омборлари ўрганилиб, улардаги маҳсулотларни сақлаш ҳажмлари белгиланди (**4-илова**). Режага кўра Наманган вилоятида жами 46000 тонна, 51450 минг сўмлик маҳсулотни сақлаш белгиланди. Маҳсулотларни сақлаш жараёнларининг сарф ҳаражатлари жами 43258 минг сўмни ташкил этди.

Белгиланган қарор доирасида вилоятдаги қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини сақловчи корхоналарнинг ҳар бир маҳсулот тури бўйича

аниқ жойлаштириш тартиби ва улардаги маҳсулотлар ассортименти таркиби аниқ ишлаб чиқилди (5-илова)

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар асосида қиш ва баҳор мавсуми учун сақлаш жараёнларини режалаштиришда бозор ҳолати етарли даражада эътиборга олинмаган деб ҳисоблаймиз. Сабаби, етиштирилаётган жами 217233 тонна қилоқ хўжалиги маҳсулотларининг атига 46000 тоннаси ёки 21 %ини куз-қиш мавсумлари учун сақлаш имконияти мавжудлиги асосланмоқда. Шунинг учун ҳам мева-сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини янада самарадорлигини ошириш ва жажмларни кенгайтириш борасида бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда.

Мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналарнинг олдида тўрган асосий муаммо, мева-сабзавотларни тегишли мавсумларда харид қилингандан кейин уларни сақлаш муаммосига дуч келмоқдалар ва бу жараёнлардаги йўқотишлар кўпайиб кетмоқда. Шуларни эътиборга олган ҳолда вилоятда 2 та йирик корхонада кенг кўламли модернизациялаш ишлари олиб борилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги 232-сонли қарорига асосан “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида жойлашган замонавий, чет эл ускуналари билан жихозланган 10000 тонналик мева-сабзавотлар сақланадиган музлаткич ташкил этиш ҳамда унинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш вазифаси белгиланган эди. Янги музлаткични қурилиш ва монтаж ишларида Туркия, Германия, Франция, Швеция ва Корея мамлакатлари жихозлари ва бутловчи қисмларидан фойдаланилиб, замонавий талаблар асосида қуриб битказилди. (6-иловада)

III боб. Вилоятда мева – сабзавотлар ва уларни қайта ишланган товарлар савдосининг ривожланиши

3.1. Мева – сабзавотлар чакана савдоси маданиятини ошириш омиллари.

Чакана савдо аҳолига тўғридан-тўғри товар сотиш ва хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган инсоннинг тадбиркорлик фаолиятини ҳам англатади. Чакана савдо товарлар ассортиментининг шаклланишида қатнашади, харидорларга товарлар сифат кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар беради, товарларни сақлаш, қўшимча ишлаш, баҳоларини ўрнатиш ва бошқа вазифаларни бажаради. Натижада товарларнинг охириги истеъмолчилари билан олди-сотди шартномасини бажаради. Чакана савдо мулкчилик шакли, усули ва хизмат кўрсатишлари билан турланади. Хусусий, ижара ва қўшма мулкларга асосланган чакана савдо ҳозир барча мамлакатларда, шу жумладан, бизда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Чакана савдонинг моддий-техника асосини дўконлар, универмаглар, махсуслашган дўконлар, супермаркетлар, ошхоналар, дорихоналар, деҳқон бозорлари, “Буюм” бозорлари ва кўпчилик майда шохобчалар ташкил қилади.

Чакана савдо - товарларни етказиб беришда ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга бўлган товар ҳаракати жараёнидаги хўжалик алоқаларининг сўнгги занжири бўлиб ҳисобланади. Чакана савдода моддий ресурслар муомала жараёнидан жамоа, якка ҳолдаги, шахсий истеъмол соҳасига ўтади, яъни истеъмолчиларнинг мулки бўлиб қолади. Бу жараён олди-сотди орқали амалга оширилади, чунки истеъмолчилар ўзларига зарур товарларни пул дараомадларига алмашишади. Бунда ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг янги цикли учун янги имкониятлар пайдо бўлади ва ушбу ҳолатда товарлар пулга айланади. Чакана савдо товарларни аҳолини шахсий истеъмоли учун ҳамда ташкилотларни ва корхоналарни хўжалик эҳтиёжлари учун кичик хажмда сотишни ўз ичига олади.

Чакана савдонинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- Товар бозорларида вужудга келган конъюнктурани ўрганиш;
- Аниқ товар турларига бўлган талаб ва таклифни аниқлаш;
- Чакана савдо учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- Зарур ассортиментни шакллантириш учун товарларни танлаш, уларни саралашни амалга ошириш ва сифатини текшириб олиш;
- Товарларни қабул қилиш, сақлаш, тамғалаш операцияларини амалга ошириш ва уларга баҳоларни ўрнатиш;
- Товар етказиб берувчилардан қабул қилинган товарларнинг тўловини амалга ошириш;
- Товар етказиб берувчиларга, истеъмолчиларга транспорт-экспедиция, маслаҳат, реклама, ахборот ва бошқа хизматларни кўрсатиш.
- Чакана савдо фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” асосида тартибга солинади. Ушбу Низом савдо фаолияти билан шуғулланувчи бозор субъектларга нисбатан ягона ёндашувлар ва талабларни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш, тартибини белгилайди.

Юқоридаги низомда “чакана савдога — савдо соҳасида яқуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш”²¹ деб таъриф берилган.

²¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2002 йил 26 ноябрь. www.lex.uz

Чакана савдонинг ижтимоий моҳияти – аҳолини товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва маданий хизмат кўрсатишидан иборат.

Чакана савдонинг ривожланиш кўрсаткичи чакана товар айланмаси ҳажми билан ифодаланади. Чакана товар айланиши жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири. У орқали ишлаб чиқарилган ёки импорт товарлари ўз қийматини ва истеъмол қийматини жамият томонидан тан олинганлиги намоён бўлади. Жаъми ишлаб чиқарилаётган товарларнинг 80-90 % и савдо қорхоналари орқали сотилади. Чакана товар айланиши жамиятда пул муомаласи жараёнига таъсир қилади, мамлакат пул тушумининг асосий қисми чакана савдода товарлар олди сотди жараёнида қатнашади.

Чакана товар айланмаси бозордаги талаб ва таклифнинг баҳо орқали мутаносиблигини ҳамда аҳоли талабининг қондирилган қисмини ифодалайди.

3.1.1-жадвал

Наманган вилоятида чакана савдо айланмасининг 2010-2013 йилларда ўсиш динамикаси

(солиштирма нархларда)

Кўрсаткичлар	2013 йил (млн.сўм)	2010 йилнинг шу даврига нисбатан, (%)	Умумий ҳажмдаги салмоғи,%
Чакана савдо айланмаси	2898569,7	219,8	100,0
Шу жумладан: Уюшган савдо	875798,8	173,7	30,2
Уюшмаган савдо Шундан:	2022770,9	248,3	69,8
Дехқон бозорларида	1263414,0	263,2	43,5

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Вилоятда чакакана савдо айланмасининг умумий ҳажмида уюшган савдо қорхоналарининг улуши 30,2 % ни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 2013 йилда қарийб 2,1 мартаган ошган. Уюшмаган савдо қорхоналари томонидан 202277,9 млн сўмлик маҳсулотлар сотилган бўлиб, унинг жами чакана савдодаги улуши 69,8 % ни ташкил этгани ҳолда 2010 йилга нисбатан 2013 йилда 2,4 мартага ошган. Шунингдек, деҳқон

бозорларининг жами чакана савдо айланмасидаги улуши 2010 йилда 36,3 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 43,5 % ни ташкил этди ва 2,6 мартага ошди (3.1.1-жадвал).

Юқоридаги мулохазалар дехқон бозорларида яратилаётган савдо маданияти ва бозор комплексларида маркетинг воситаларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилаётганлигидан далолат беради. Айниқса савдо комплекслари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати бугун уларнинг янгича қиёфада ташкил этиш лозимлигини белгилаб бермоқда. Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида бозор комплекслари фаолияти такомиллаштирилиб, уларда савдонинг замонавий услубларини қўллаш кенг амалга оширилмоқда.

3.1.2-жадвал

Наманган вилояти аҳолиси жон бошига 2013 йилдаги чакана савдо айланмаси таҳлили

Шаҳар ва туманлар	Жами чакана савдо айланмаси (млн сўм)	Аҳоли сони (минг киши)	Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси (сўм)
Вилоят жами	2898569,7	2504,0	1157576
Наманган ш.	1103082,9	475,7	2318863
Мингбулоқ	97675,4	111,9	872881,1
Косонсой	140119,5	184,7	758632,9
Наманган	162280,5	212,0	765474,1
Норин	159398,3	147,1	1083605
Поп	173805,1	196,7	883605
Тўрақўрғон	207131,8	198,6	1042960
Уйчи	98039,4	207,1	473391,6
Учқўрғон	162837,9	154,0	1057389
Чортоқ	106620,0	178,9	595975,4
Чуст	319486,8	237,6	1344641
Янгиқўрғон	168092,0	199,7	841722,6

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган вилоятида мева-сабзавотлар чакана савдоси асосан шаҳар ва туманлардаги дехқон бозорлари комплекслари, ихтисослашган дўконлар ва яқка тартибдаги оилавий субъектлар томонидан ташкил этилмоқда.

Бозор комплекслари вилоятда қайта қурилиб, модернизация қилиниб, янги савдо ўринлари ташкил этилиб, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт шароитлар яратилиши натижасида замонавий хизмат кўрсатиш марказларига айланмоқда.

“Чорсу дехқон бозори” ОАЖ Наманган вилоятидаги энг йирик бозор комплекси ҳисобланиб, унда мева-сабзавотларининг барча ассортиментни сотилади.

“Чорсу дехқон бозори” очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5-мартдаги “Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5-мартдаги 82-сонли қарори асосида Наманган вилоят Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бошқармасининг 1996 йил 24 апрелдаги 335/112-0-сонли буйруғи билан ташкил топган.

“Чорсу дехқон бозори” очик акциядорлик жамиятининг мақсадлари ва фаолият мазмуни қуйидагилардан иборат:

- Аҳолига дехқон ва тадбиркорлар томонидан барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, чорвачилик ва бошқа рухсат этилган маҳсулотларни сотиш ва савдосини ташкил этиш;

- Бозорда тадбиркорларга ва харидорларга озиқ-овқатларни сотиш ҳамда ошхонларни ташкил этади;


- Аҳоли ва хўжаликлар маҳсулотларини бозорларда сотишга жалб этиш мақсадида, фаол реклама чора-тадбирларини ташкил этиш;

- Мехмонхона, транспорт хизмати кўрсатиш, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кабиларни ташкил этиш;

- Аҳоли, ташкилот ва муассасаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотишга шарт-шароитлар яратиш бериш;

- Автомобилларни тўхташ жойларини ташкил этиш;

- Савдо, савдо-ҳарид, воситачилик ва тижорат ишлари фаолияти билан шуғулланиш;
- Тадбиркорларга ва аҳолига кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш, бозорларда қишлоқ-хўжалик ва халқ истеъмол моллари билан бойитиш;
- Савдо шахобчаларини ташкил қилиш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш;
- Тадбиркорлар ва хусусий корхоналар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъкидланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланиш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берувчи тадбиркорлар, ташкилотлар ва корхоналар билан алоқани мустаҳкамлаб бориш, жамият ўзаро шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш.



3.1.1-расм. “Чорсу” бозори ОАЖ, ни бошқарув тузилмаси

3.1.4-жадвал

“Чорсу” бозори ОАЖ ни бошқарувда ходимлар сони

Бошқарувнинг таркиби	Ходимларнинг сони
Бошқарув	15
Сектор мудирлари	4
Сектор мутахассислари	8
Тарозибонлар	2
Ёрдамчи ишчи ходимлар	34
Жами	63

Манба: “Чорсу” бозори ОАЖ маълумоти.

3.1.5-жадвал

“Чорсу” бозори ОАЖ ни инфратузилмаси

№	Бозор ҳудудидаги капитал қурилмалар	Сони
1.	Бозордаги расталар	7
2.	Бозор расталаридаги савдо жойлари	1298
3.	Турғун шаҳобчалар	103
4.	Маъмурият учун алоҳида бино	1
5.	Банк филиаллари ва кассалари	4
6.	Солиқ таянч пункти	1
7.	Участка милиция ходими хонаси	2
8.	Лаборатория хонаси	1
9.	Тарозихона	2
10.	Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш омборлари	5
11.	Ёнғин хавфсизлиги қалқонлари	4
12.	Тарозилар	91
13.	Тошлар	377
14.	Катта юк учун махсус тарозилар	4
15.	Юк аравачалари	50
16.	Автомобиллар тўхташ жойи	5000 кв.м

Манба: “Чорсу” бозори ОАЖ маълумоти.

3.1.6-жадвал

Чорсу бозори комплексида сотилаётган товарлар қуйидаги савдо расталари бўйича гуруҳланган.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Савдо ўринлари
1	2	3	4
	Бозорнинг эгаллаган умумий ер майдони	га	1,9326
	Умумий савдо расталари	ўрин	1034
1.	Нон ва нон маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	82
2.	Полиз маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	228
3.	Гўшт ва гўшт маҳсулотларини ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотлари савдо расталари	ўрин	0

1	2	3	4
4.	Сут ва сут маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	0
5.	Қуруқ ва хўл мева маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	257
6.	Қандолатчилик ва баккоклик маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	60
7.	Дуккакли ва бошқа дон маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	73
8.	Кўкат ва тузланган маҳсулотлар савдо растаси	ўрин	186
9.	Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	0
10.	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдо растаси	ўрин	74
11.	Хунармандчилик ва халқ истеъмоли моллари савдо растаси	ўрин	74

Манба: “Чорсу” бозори ОАЖ маълумоти.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, “Чорсу” бозори комплексида нон ва нон маҳсулотларини сотиш, полиз маҳсулотларини сотиш, гўшт ва гўшт маҳсулотларини сотиш, сут ва сут маҳсулотларини сотиш, Қандолатчилик маҳсулотларини сотиш, хунармандчилик ва халқ истеъмоли молларини сотиш учун савдо расталари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Чорсу бозори комплексида ҳаммаси бўлиб қуйидаги турғун савдо шаҳобчалари мавжуд.

3.1.7-жадвал

“Чорсу” бозор комплексида 2012-2013 йил декабр ойларида сотилган сабзавотлар

Товар хос рақами	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сотилди 2012 йил декабр	Сотилди 2013йил декабр
1	2	3	4	5
1	Эртанги картошка	кг		981000
2	Кечки картошка	кг	1750000	517000
3	Эртаки карам	кг		319700
4	Кечки карам	кг	629000	152500
5	Помидор	кг	514000	487000
6	Бодринг	кг	442000	432000
7	Сабзи	кг	1488000	1299400
8	Нўшпиёз	кг	1717000	1478500

1	2	3	4	5
9	Саримсоқ	кг	108000	226300
10	Қовоқ	кг	265000	48150
11	Булғор қалампири	кг	289000	45250
12	Бақлажон	кг	154400	41250
13	Турп	кг	157300	44500
14	Редиска	кг		
15	Бошқа сабзавотлар	кг	237100	41210
16	Тузланган карам	кг	239400	43950
17	Тузланган помидор	кг	199900	30000
18	Тузланган бодринг	кг	203700	29650
19	Бошқа тузламалар ва салатлар	кг		
20	Кўкатлар	кг	317600	383200
21	Зираворлар	кг	54300	383200
22	Тарвуз	кг	395000	177300

Манба: “Чорсу” бозори ОАЖ маълумоти.

“Чорсу” дехқон бозори вилояда мева-сабзавотларнинг ўртача чакана нархларини шакллантириб берувчи асосий “бош бозор” ҳисобланади. Нархлар даражаси Чорсу бозорига қараб вилоятнинг бошқа бозорларида ҳам шаклланади. Айниқса, мева-сабзавотларнинг мавсумий нархлари ҳам шаклланишида “Чорсу” бозори асосий рол ўйнайди.

Мева-сабзавотларнинг мавсумий нархларини ўзгаришини таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич январ ойига тўғри келади. Айниқса бодринг, памидор, бақлажон ва меваларнинг барча ассортиментлари январ ойида бир неча баробарга ҳам ошишини кузатишимиз мумкин. Шунинг учун, юқорида қишки мавсум учун мева-сабзавотлар нархларини бир меъёрга ушлаб туришга, талаб ва таклиф мувозаннатини таъминлашда қишки захиралар муҳим восита ҳисобланиши еахлил этилди. (5-6-илова ўртача нарх ўзгаришлари).

Таҳлилий маълумотлардан келиб чиқиб, вилоятимиздага мева-сабзавотлар чакана савдосини ривожлантириш, бозор комплексларини, шунингдек “Чорсу” бозор комплексини янада такомиллаштириш, унда савдо хизматини ва маданиятини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Хозирда бозорларда савдони ташкил этишни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, сотувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорларнинг моддий негизини мустахкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, дастурлари ва бошқа бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинган. Бироқ, бозорларда савдо жараёни технологияларини янада ривожлантириш ва унинг инфраструктурасини такомиллаштириши борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш муҳимдир.

2009 йил 6 августдаги “Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободанлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги ПК-170-сонли қарорига, шаҳар ҳокимининг 2009 йил 13 августдаги Наманган шаҳридаги “Спартак” ўйингоҳини кўчириш ҳисобига “Чорсу” дехқон бозорини кенгайтириш ва ободанлаштириш тўғрисида”ги 765-сонли қарорига асосан, Наманган шаҳар “Чорсу дехқон бозори” очиқ акциядорлик жамиятига “Савдо шаҳобчалари, ёпиқ павильонлар, автомобилларни вақтинчалик тўхташ жойи, йўлаклар ва гулхоналар учун 21709,0 кв.метр ер майдони ажратилди. Автомобилларни вақтинчалик тўхташ жойи, йўлакларни мукамал режалаштириш эса бозорларда ҳаридорлар учун қулай имкониятлар яратилишини таъминлаган ҳолда савдо маданиятини янада оширишда хизмат қилади. Бу ўз навбатида, ҳар бир бозор комплексини режалаштиришда энг асосий масалалалардан бири этиб қаралиши лозим.

Қабул қилинган дастурлар ва қарорларда ихтисослаштирилган ва буюм (савдо комплекслари) бозорлари бошқарув механизминини такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш турлари ва ҳажминини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, бозорлар ва савдо комплексларида нақд пул маблағлари оқимини тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек сифатсиз, контрабанда маҳсулотлари савдосига йўл қўймаслик сингари қатор масалаларни ҳал этиш, кўрсатилган хизматлар ва ижара ҳақини электрон ундириш тизимини жорий қилиш, бозорлар ва савдо

комплекслари ҳудудидаги, уларга туташ автомобиллар вақтинчалик тўхташ жойларини бозор ва савдо комплекслари тасарруфига ўтказилишини таъминлаш ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу эса бозорларда савдо маданиятини янада оширишга, бозорда фаолият кўрсатувчи субъектлар фаолиятини янада ривожлантиришда асос бўлмоқда. Шунингдек, қарорлар ижросини тўлиқ бажарилиш бевосита истеъмолчиларни сифатсиз товарларни харид қилиш жараёнларини олдини олади ва истеъмол товарлари ассортиментини янада кўпайтиришга эришилади.

Бозорнинг технологик жараёнларини ташкил этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- хариддорларни бозорда юкларни эркин ҳаракатланиши учун бозор ҳудудида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини ишини янада самарали ташкил этиш ва архитектура лойиҳаларини қилишда бунга алоҳида эътибор қаратиш;

- бозорларни ҳар бир повилёнларини туташтирувчи ва ташқи таъсирлардан сақловчи ёпиқ тизимли йўлакларни лойиҳалаштириш;

- бозорларда тозаликни сақлаш, антисанитария ҳолатларини баратараф этиш мақсадида турли акцияларни эълон қилиш;

- бозорлардаги расталарнинг жойлашиши, савдо ўринларини рақамланиши, жой ва хизмат ҳақининг тасдиқланган ставкалари акс эттирилган паннолар ўрнатиш;

- бир марталик патта йиғими, ижара тўлови ва кўрсатилган хизматлар ҳақини ундириб олувчи турғун пунктлар ташкил этиш, тушумларни банк тизими орқали автоматлаштириш;

- тош-тарозиларнинг етарли, стандарт талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш;

- аҳолига арзон нархлардаги истеъмол товарларини етказиб бериш, улгуржи воситачилар бўғинини қисқартириш чораларини кўриш ва товдаларни тўғридан-тўғри расталарга чиқарилишини ташкил этиш,

сифатсиз, қалбаки ёки контрабанда йўли билан ноқонуний кириб келган маҳсулотларнинг сотилшининг олдини-олиш ишларини ташкил этишда;

- бозорлар негизида ташкил этилган савдо-ҳарид корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш каби жараёнларни амалга оширилиши бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, истеъмолчиларга янада маданиятли хизмат кўрсатиш, савдо нуқталарини кўпайтириш бюджет даромадининг кўпайишига, пировард натижада эса халқ турмушининг фаровонлашувига, иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мева-сабзавотлар чакана савдосини ривожлантиришда бозор комплекслари фаолиятини янада ривожлантириш ва уларда савдо маданиятини ошириш орқали юқори иқтисодий самарадорлик эришиш мумкин.

3.2. Улгуржи савдонинг асосий кўрсаткичлари

Улгуржи савдо ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи (чакана савдо ва товарни охириги истеъмолчилари) ўртасидаги умумлашган воситачи ҳисобланади. Улгуржи савдо фирмалари товарни ишлаб чиқарувчи ёки бошқа воситачилардан улгуржисига сотиб олиб, ўзининг вазифаларига мувофиқ бошқа воситачилар; чакана савдо корхоналари ёки хусусий савдо тадбиркорларига, ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчиларга етказиб беради.

Улгуржи савдони товар ишлаб чиқарувчилари учун аҳамияти:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорчилик билан товар ишлаб чиқарувчилар молиявий жихатдан чегараланганлиги учун товарини сотишга молиявий имкониятлари етишмайди.

2. Агарда уларнинг молиявий имконияти бўлса ҳам маблағни кўпроқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайдилар.

3. Энг муҳим, товар ишлаб чиқарувчиларни кўпчилиги савдо тартиб-қоидаларини яхши ўзлаштириб олмаганлар.

Шунинг учун махсус улгуржи савдо фирмаси товар ишлаб чиқарувчиларига қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- Товар ишлаб чиқарувчиларни кўп хил ташвишлар-сотиш жараёнини ташкил этиш, истеъмолчилар талабларини ўрганиш, кўп сонли чакана савдо тармоқлари ўрнига фақат 1-2 улгуржи харидорларга хужжатлаштириш.

- Улгуржи савдогар бир неча ойлар илгари буюртма беради ва ишлаб чиқарувчи бемалол хавотирсиз ўз иши билан шуғулланади;

- Хавф-хатар камаяди, ишлаб чиқарувчи товарни фирма омборидан тўғри улгуржи савдо базасига ёки уни буюртмаси билан чакана савдога юборади;

- Улгуржи савдогар товарга вақтида ёки олдиндан пул ўтказади, натижада ишлаб чиқарувчига молиявий танглик бўлмайди.

Улгуржи савдони махсус фирмалар (мулк шаклидан қатъий назар) ташкил этади. Шу билан бирга хусусий тадбиркорлар (дилер, агент) ҳам улгуржи савдо билан шуғулланадилар.

Улгуржи савдони энг муҳим вазифаларидан бири-баҳолар ўзгариши билан боғлиқ бўладиган хавф-хатарларни керакли товар захираларини шакллантириш орқали олдини олишдан иборат. Шунинг учун мавсумий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақланадиган омборлар совуткичлар уларда, қайта ишлаш шаҳобчалари маҳсулотларини сақлашни ташкил этиш орқали ҳам бозордаги талаб-таклиф мутоносиблигига имкониятлар яратилади.

Улгуржи савдо фирмалари(базалар) товар ассортиментлари бўйича махсуслашган ва универсал бўлиши мумкин. Озиқ-овқат товарлари бўйича кўпроқ универсал ассортиментли ёки махсуслашган (совуткичлар, картофел, мева ва сабзавот) омборларига эга бўлган бўлиши мумкин.

Наманган вилоятида мева-сабзавотлар улгуржи савдоси билан шуғулланувчи фирмалар: товар гуруҳлари: хўл мевалар, сабзавотлар,

полиз экинлари, мева-сабзавот концервалари, қуритилган мева сабзавотлар ва уларнинг махсуслашган гуруҳ-товарлари бўйича ташкил этилмоқда.

Улгуржи савдо умумлашган воситачи ҳисобланади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

- чакана савдога ишлаб чиқариш фирмаларининг тор ассортиментини кенгайтириб таклиф этади;

- катта ҳажмда товар сотиб олиб, муомала харажатларини камайтиради;

- юқори малакали товаршунос ва маркетинглар билан товарлар бозорини чуқур ўрганади;

- товарларни сақлайди ва керакли товар заҳираларини шакллантиради;

- ишлаб чиқарувчилар ва чакана савдо ўртасида мустаҳкам алоқа боғлайди, уларга молиявий ёрдамлашади ва бошқалар.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тизими кўп босқичли характерга эга бўлиб, умумий мева-сабзавот қўйи мажмуаининг кўп сонли оралиқ бўғинларини, хусусан:

- а) давлат ва хусусий мулк шаклидаги улгуржи тайёрлов ташкилотлари;

- б) оралиқ истеъмолчилар – қайта ишлаш саноати истеъмолчиларига улгуржи таъминот;

- в) маҳсулотни чакана савдо тармоғига улгуржи сотиш;

- г) маҳсулотни умумий овқатланиш корхоналарига улгуржи сотиш;

- д) маҳсулотни маҳаллий бозорларда яқиний истеъмолчиларга (аҳолига) чакана сотиш бўғинларини қамраб олади.

Санаб ўтилган бўғинларнинг ҳар бири ўз навбатида, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий турлари ва ташкилий-технологик шакллар хилма-хиллиги билан тавсифланади. Масалан, янги мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи сотиш тайёрлов корхоналари, хусусий воситачилар, “кимошди” савдолари,

ярмаркалар, улгуржи савдо марказлари ва ҳоказолар орқали амалга оширилиши мумкин. Сотиш каналларининг хилма-хиллиги кўп сонли мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни тўлароқ камраб олиш ҳамда уларга етиштирилган мева, сабзавот ва узум маҳсулотларини сотишда ёрдамлашиш, аҳолини бу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш зарурати билан изоҳланади.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан юқорида айтиб ўтилган мева-сабзавот маҳсулотларини сотишнинг ташкилий-технологик ва ижтимоий-иқтисодий шакллари ҳам такомиллашиб, ихтисослашган савдо-биржа, кимошди шакллари ва ярмаркалар тобора ривожланиб бормоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш вазифаларини ҳал этишда бозор конъюнктурасини маркетинг асосида ўрганишга тобора катта аҳамият қаратилмоқда.

Наманган вилоятида мева-сабзавотлар улгуржи савдасининг ривожланишида “ZAMIN-AGRO-SAVDO INVEST” маъсулияти чекланган жамияти алоҳида аҳамият касб этади.

“ZAMIN-AGRO-SAVDO INVEST” маъсулияти чекланган жамияти юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунига, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорига ва **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги № ПК-1047-сонли “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ҳамда қонунчилик далолатномаларига мувофиқ, келишилган холда, таъсисчиларнинг шахсий маблағларини бирлаштириш йўли билан умумий хўжалик фаолиятини амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида ташкил этилган.**

“ZAMIN AGRO SAVDO INVEST” маъсулияти чекланган жамияти, Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан” 2009 йил 5 мартдаги 03464-сонли

реестр рақами билан рўйхатга олинган “НАМАНГАНМЕВАСАБЗАВОТ-ТАЙЁРЛОВСАВДО” МЧЖнинг вориси ҳисобланади, ҳамда “НАМАНГАНМЕВАСАБЗАВОТ-ТАЙЁРЛОВСАВДО” маъсулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгар шахс ҳисобланади ва унинг барча мажбуриятлар “ZAMIN-AGRO-SAVDO INVEST” маъсулияти чекланган жамияти зиммасига ўтган.

Жамият иштирокчиларининг таъсис шартномасига мувофиқ ўз ҳиссаларига мутаносиб равишда улушларда ифодаланган фойда олишларини назарда тутган ҳолда, кенг кўламда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, аҳолини иш билан таъминлаш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, уларнинг чакана ва улгуржи савдосини ташкил этиш, савдо-ҳарид, тижорат хизматлар кўрсатиш мақсадида таксил этилган.

Жамият қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

- Маҳаллий шароитда етиштирилган мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларини, шунингдек, барча турдаги қишлоқ маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини янада ривожлантиришни таъминлаш;

- Тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарининг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, чет элда савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва тайёрлов корхоналарига, уларни техник қайта қуроллаш, савдо-технологик, ишлаб чиқариш ва тайёрлов соҳаларида қўшма жараёнлар тадбиқ этиш, чет эл сармояларини жалб этиш, шу жумладан, қўшма корхоналар яратиш йўли билан кўмаклашиш;

- Савдо-тайёрлов ва бошқа корхоналарга реклама масалаларида, товарларни етказиб бериш ва сотиш бўйича шартномалар тузишда, товар ишлаб чиқарувчилар билан оқилона узоқ муддатли хўжалик алоқаларини ўрнатишда консалтинг хизматларини кўрсатиш;

-Халқаро товар кўргазма ярмаркаларида иштирок этиш ва уникатнашчилари томонидан ўзаро манфаатли контрактлар тузиш, фирма дўконлари ва бошқа савдо корхоналари очиш;

- ташқи иқтисодий фаолият, импорт-экспорт билан шуғулланиш;

- корхона фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

- чет мамлакатлар ва МДХ давлатлари билан белгиланган тартибда савдо иқтисодий алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда қўшма корхона ва ваколатхона, фирмалар очиш, лизинг шартномалар тузиш.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиш ва амалга оширишга ҳақлидир.

Қуйидаги юридик шахслар ҳам жамиятнинг таъсисчилари ҳисобланади:

№	Таъсисчилар	Улуши
1.	“Наманган улгуржи мева-сабзавот ва саховат”МЧЖ Наманган шаҳри	41
2.	“Исковот Ризк-рўз” агросаноат фирмаси Янгиқўргон тумани	9
3.	“Тикланиш Нанай боғбонлари” агросаноат фирмаси Янгиқўргон тумани	15
4.	“Кўкёр ўнғор шаршараси” агросаноат фирмаси Янгиқўргон тумани	16
5.	“Бирлашган Феруз Умид Орол” агросаноат фирмаси Янгиқўргон тумани	19

Манба: “Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг маълумотлари асосида тайёрланди.

Амалдаги шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузиш учун қуйидаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар керак бўлади:

-Фуқаролик кодекси;

-“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун;

-“Хўжалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун;

-“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларининг бажарилиши

учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон) ва бошқалар.

Шартномада қуйидагилар кўрсатилади:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори, сифати, нархи;
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш пунктлари ва даврлари;
- идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;
- ҳисоб-китоб тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой.

Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, моддий –техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгиловчи иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган спецификация илова қилинади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг бевосита жойлашган жойидаги тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари агротехника чора-тадбирларини амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун хўжаликка ўзининг ваколатли вакилини юбориш керак.

Хўжалик шартнома лойихаси тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олинган вақтидан бошлаб 7 кун мобайнида уни

кўриб чиқиши ва эътирозлар бўлмаган тақдирда лойиҳани имзолаши ва тайёрловчига қайтариши шарт.

Шартнома рўйхатдан ўтказилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда хўжаликларга рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини жўнатишлари шарт.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бу ҳақда хўжаликни рат этиш сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш ҳужжатини олган кундан бошлаб 2 кун муддатда хабардор қилиши шарт.

Наманган “Мевасабзавоттайёрловсавдо” МЧЖнинг улгуржи савдо фаолиятини олиб боририши учун сотиб олинган маҳсулотларнинг сақлаш, қайта ишлаш ва улгуржи савдосини ташкил этиш учун жами 17 кишидан иборат қуйидаги мутахассислар ва ходимлари шаклланган.

“Заминагросавдоинвест” МЧЖ да 4 та омборхона мавжуд бўлиб, уларнинг жами сиғими 1375,4 кв метрдан иборат. Омборлар йилининг ҳар бир фасли учун мева-сабзавотлар захирасини шакллантириш ва сақлашга хизмат қилади.

3.2.1-жадвал

“Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг моддий техник баъзаси қуйидагиларни ўз ичига олади.

	Номи	миқдори (бирлик)	2014 йилнинг 1 декабр ҳолатига(м2)	сиғими (минг тонна)
	улгуржи омборлар	4	1375,4	500
	омбор хажми	4	6677	500

Манба: “Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг маълумотлари асосида тайёрланди.

3.2.2-жадвал

“Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг улгуржи савдоси таҳлили

Минг сўм

кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2011 йил			2012 йил			2013 йил		
		миқдори	ҳажми	қолдиқ	миқдори	ҳажми	қолдиқ	миқдори	ҳажми	қолдиқ
товар айланмаси жами			60117,1	241892,4		737170,3	200000		503247	500000
мева- сабзавотлар, шу жумладан			60117,1	241892,4		737170,3	200000		503247	500000
картошка	тонна	12,6	11325,3	32447,1	175,9	190000	30875	136	120000	44853
пиёз	Тонна	2,3	21361,0	18003,6	164	180570	11970	150	75000	51384
сабзи	Тонна	36,7	27430,8	191441,1	964	368600,3	157165	1230	308247	390013
редиска	Тонна							12		13750
жами маҳсулот		51,6			1303,9			1528		

Манба: “Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг маълумотлари асосида тайёрланди.

Корхона томонидан 2011 йилда жами 60117,1 минг сўмлик улгуржи савдо хизматлар кўрсатилган бўлса, 2013 йилда 503247 минг сўмни ташкил этган. Омборларда асосан мева-сабзавотлар сақланган ва уларни улгуржи савдоси амалга оширилган. Омборлардан самарали фойдаланиш ва улгуржи савдони ривожлантиришга қаратилган маркетинг тадбирлари натижасида 2011 йилда жами 51,6 тонна маҳсулот улгуржи савдода сотилган бўлса 2013 йилда бу 1528 тоннани ташкил этди. Бироқ, 2012 йилга нисбатан захираларнинг ошиб 2,5 мартага ошиб кетиши ва бозорларда талаб ҳажмини тушуб кетиши натиасижа 2013 йилда захиралар ҳажми 50000 минг сўмни ташкил этди. (3.2.2-жадвал)

“Заминагросавдоинвест” МЧЖ томонидан 2011 йилда вилоят миқёсидаги корхоналардан жами 4348 тонна мева сабзавотлар хириди амалга оширилган бўлса 2013 йилда бу кўрсаткич 4735 тоннани ташкил этган. Вилоят бўйича ҳарид қилинган мева-сабзавотларнинг тақсимотини таҳлил қилганимизда ички бозор учун жами маҳсулотнинг 2011 йилда 7 %, 2013 йилда эса 6 %и, экспорга 2011 йилда 5 % и, 2013 йилда эса 4 %и, йўналтирилиб, захира учун 2011 йилда 57 %и, 2013 йилда эса 53 %и йўналтирилган. Шунингдек, 2013 йилда қайта ишловчи корхоналарга сотилган мева-сабзавотлар ҳажми ҳам 2011 йилга нисбатан қисқарган.

“Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг Янгиқурғон туманларида ташкил этилган омборхоналари орқали жаъми 3852 тонна мева-сабзавотлар ҳариди амалга оширилиб, уларнинг 2728 тоннаси захира учун ғамланган. “Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг вилоят учун захираларни шакллантириш режаси ортиғи билан бажарилишига эришилган.

3.2.3-жадвал.

“Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг 2011-2013 йиллардаги улгуржи савдоси таҳлили

№	Худудлар	Маҳсулот етиштирувчилар билан тузилган шартномалар ҳажми, тонна		Шундан, маҳсулотларни ишлатилиши ҳажми, тонна							
				Ички бозорда Ҳақиқатда сотилди		Захирага ғамлаш		Экспортга		Қайта ишлаш корхоналарига	
		2011 йил	2013 йил	2011 йил	2013 йил	2011 йил	2013 йил	2011 йил	2013 йил	2011 йил	2013 йил
	Вилоят бўйича	4348	4735	304,6	400,4	2478,4	2493,6	200	270	1365,3	1571
	жамига нисбатан (%)	100	100	7	8	57	53	5	6	31	33
1	Мингбулоқ	25	26	1,8	2,5	14,3	9,5		4	9	10
2	Косонсой	100	110	7	12	57	62	10	11	26	25
3	Наманган	120	145	0,2	21	68,4	70	10	10	33,2	44
4	Норин	75	60	5,3	6,8	42,8	20,2			27	33
5	Поп	15	11	1,1	1,4	8,6	1,6		2	5,4	6
6	Тўрақўрғон	198	248	13,9	18,9	112,9	165,1	10	20	61,3	44
7	Уйчи	200	215	14	22	114	129	10	12	62	52
8	Учқўрғон	65	54	4,6	5,8	37,1	20,2			23,4	28
9	Чортоқ	1300	1245	91	75	741	600	50	60	418	510
10	Чуст	250	521	17,5	51	142,5	440	10	11	80	19
11	Янгиқўрғон	2000	2100	140	184	1140	976	100	140	620	800

Манба: “Заминагросавдоинвест” МЧЖнинг маълумотлари асосида тайёрланди.

3.3.Экспорт салоҳиятини ошириш йўналишлари

Мева-сабзавотчилик мажмуаси маҳсулотлари экспортининг кўпайиши кўп жиҳатдан уларни етиштирувчи оила, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, сифати, турлари ва жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришларига бевосита мос келишига боғлиқ.

Наманган вилоятида ҳам асосан мева-сабзавотларни етиштиришга ихтисослашган туманларларда мева боғларини янги навлари асосида қайта ташкил этиш ва янгисини яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича қўшма қорхоналар барпо этилиб, уларнинг иш тажрибалари ўрганилмоқда ва дунё бозорларида янгидан янги-сегментларга мева-сабзавотларимиз етказиб берилмоқда.

Вилоятимизда етиштирилаётган мева-сабзавот ва улардан қайта ишланган товарларнинг рақобатбардошлиги энг аввало уларнинг юқори сифат ва экологик тозалиги билан белгиланади.

Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилаётган асосий мамлакатлар қаторига Россия Федерацияси, Афғонистон, Қозоғистон, Туркия ва Украинани киритиш мумкин. Уларнинг ҳиссасига Ўзбекистон Республикасидан мева-сабзавот маҳсулоти экспортининг 93 % тўғри келади.²²

МДХ мамлакатлар билан савдо муносабатлари доирасида, 2008 йилда Россия Федерациясига 365 минг тонна (умумий ҳажмининг 83 %), Қозоғистонга 10,2 минг тонна (2,3 %), Украинага 7,3 минг тонна (1,7 %) мева-сабзавотлар экспорт қилинган.

Бироқ, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини таққослаганда, сотиш бозорлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги аниқ бўлади. Халқаро савдо марказининг маълумотларига кўра, Россиянинг ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавотлари импортининг умумий ҳажмида Ўзбекистон

²²Манба: МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилиш. Россия Федерацияси ва Қозоғистон мисолида. Амалий қўлланма. Ўзбекистон бизнес форуми лойиҳаси. 2008 йил.

ҳиссасига 9,9 % тўғри келса, кейинги ўринларни Хитой - 9,8 %, Туркия - 8,9 %, Польша – 5,5 %, Нидерландия – 4,5 фоиз, Қозоғистон – 3,5 % ни эгаллаган



2.10-расм. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари экспортнинг географик таркиби²³.

Қозоғистоннинг ҳўл ва қайта ишланган мева сабзавотлари импортининг умумий ҳажмида Ўзбекистоннинг бор йўғи 2,8 % ҳиссаси бор. Кейинги ўринларни Хитой – 8,4 %, Эквадор – 8,4 %, Исроил – 6,7 %, Туркия – 5,7 %, Украина – 5,4 %, Покистон – 3,4 %, Венгрия – 3,4 %, Молдлва – 3,3 % ва Тожикистон – 2,6 % эгаллаган²⁴. Анъанавий ва жўғрофий яқинлиги, ўзбек маҳсулотларининг юқори сифатлилиги ва истеъмолчиларга танишлиги (мисол учун, “ўзбек қовуни” бозорларда бренд сифатида ишлатилади ва шу ном остида Болгария ёки Хитойнинг маҳсулотлари сотилади) каби омиллар Россия ва Қозоғистон бозорларида ўзбек экспортчиларининг иштирокини кенгайтириш имкониятларини беради.

Ўзбекистонда ҳар йили 2,0 млн. тонна атрофида боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари ва 6,0 млн. тоннадан ортиқроқ сабзавот ва полиз ҳамда картошка маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мева ва

²³ Манба: МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилиш. Россия Федерацияси ва Қозоғистон мисолида. Амалий қўлланма. Ўзбекистон бизнес форуми лойиҳаси. 2008 йил.

²⁴ Манба: МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилиш. Россия Федерацияси ва Қозоғистон мисолида. Амалий қўлланма. Ўзбекистон бизнес форуми лойиҳаси. 2008 йил.

сабзавотлар навларининг 220 дан ортиқ тури мавжуддир²⁵.

3.3.1-жадвал

Наманган вилоятида мева-сабзавотлар ташқи савдоси таҳлили
Млн.долл

Маҳсулот турлари	2010 йил		2013 йил	
	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт
Сабзавотлар	55,1	0,2	1,9	130,6
Мевалар	150,7	0,05	1089,7	29,4
Мева-сабзавотлардан қайта ишланган товарлари	3648,1	0	3215,6	0,07
жами	3853,9	0,25	4307,2	160,07

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

Наманган вилоятида 2010 йилда сабзавотлар экспорти кескин қисқарган ва уларнинг импорти эса 0,2 млн.доллордан, 130,6 млн.долларга ортган. Мевалар экспорти эса унинг акси бўлиб, 2010 йилда 150,7 млн. доллорни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 1089,7 млн. доллорни ташкил этган. Бироқ меваларнинг импорти ҳам шунга мувофиқ ортган. Мева-сабзавотлардан қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларининг экспортига 3853,9 млн. доллардан, 2013 йилга 4307,2 млн долларга ортиб яхши натижага эришган. Маҳсулотлар импорти 2010 йилда атига 0,25 млн.долларни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 160,1 млн. долларга ортган (3.3.1-жадвал).

Вилоятда қайта ишланаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражаси халқаро бозорда пастроқ. Бунинг сабаби сифатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларининг юқорилиги, сифат даражасининг пастлиги, қадоқлаш, ўраш ва маркировка талабларига кам эътибор қаратилганлиги, маҳсулот таркибидаги озуқаларнинг жаҳон стандартларига жавоб бермаслиги, сақланиш муддатларининг қисқалиги ва «экспорт ҳаражатлари»нинг ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

²⁵ Манба: МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилиш. Россия Федерацияси ва Қозоғистон мисолида. Амалий қўлланма. Ўзбекистон бизнес форуми лойиҳаси. 2008 йил.

Экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини оширишни омиллари ривожланаётган мамлакатлар тажрибасидан маълум бўлишича, уларда мева-сабзавотчилик мажмуаси экспортини диверсификациялашганлиги: бир ёки икки маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашув мақбул эмас, хусусан халқаро рақобат шароитида энг паст ҳаражатлар билан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланиш мақсадга мувофиқ деб қаралмоқда.

Шунинг учун вилоятимизда энг аввало, хорижий инвестициялар жалб этиш жараёнини жадаллаштириш, селекция ишларини амалга оширишда грантлар, ирригация ва қайта ишлашга моддий-техника ресурслари импорти учун тариф ва тўсиқларини қисқартирилмоқда.

Мева-сабзавот шарбатлари ва консервалари, шунингдек, вино ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари эътиборидаги энг муҳим масалалар қаторида хомашё етишмаслиги ва унинг сифати пастлиги муаммоси асосий ўринни эгаллайди. Бу масаланинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Дехқон ва фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулотни ҳосил йиғиштириб олинишидан ярим йил олдин тузилган шартномага асосан қайта ишлаш корхоналарига эмас, балки сотиш пайтида шаклланган баҳолар бўйича эркин бозорда сотишни маъқул кўрадилар. Қайта ишлаш корхоналари ҳар доим ҳам ўзлари тузган шартнома бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарига тўловларни амалга ошириш ва маҳсулот етиштиришда ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмайдилар. Лекин, мева-сабзавот экинларидан паст ҳосил олиниши ва бу хомашё сифатининг паст бўлишига сабаб бўлувчи қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган соф технологик ва ташкилий жиҳатлар ҳам мавжуддир.

Боғдорчилик ва сабзавотчиликда замонавий агротехнологияларнинг етарли даражада қўлланилмаслиги сабабли мева-сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ҳам паст даражада қолмоқда. Бизда қишлоқ хўжалигида кооператив дейилганда ширкат ёки жамоа хўжалигини тушуниш қабул

килинган. Аслида эса кооператив (ёки фермерлар уюшмаси) фермерлар фаолиятининг фақат айрим томонларига тегишли бўлиши мумкин. **Масалан, Исроилда Мошавлар фермерларнинг хусусий кооперативлари ҳисобланиб, уларга маҳсулот сотишни ташкил қилишда, ресурслар сотиб олиш, зарурий мутахассисларни ёллашда ёрдам беради. Дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида фермер ўзи якка холда агроном, бухгалтер, маркетинг ва иқтисодчини ёллай олмайди, кооператив эса ёллай олади. Битта фермер хўжалиги етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлашни ташкил қила олмайди, демак уни воситачиларга ёки қайта ишлаш корхоналарига сотишга мажбур бўлади. Бунда фермер ўзининг контрагентларига нисбатан ноқулай ҳолатда қоладилар. Лекин фермерлар уюшмаси етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотишни ташкил қилиши мумкин. Шу сабабли Наманган вилоятида ширктлар ўрнида ташкил этилган “Агрофирмалар” фаолиятларини такомиллаштириш уларни ҳозирги самарасиз иш услубларини танқидий қайта кўриб чиқиш, тамоман янги замонавий бозор маркетинг тамойиллари асосида ишлашларини таъминлаш зарур дуб ҳисоблаймиз. Шунинг учун мева-сабзавотчилик тизимида маркетинг тамойилларини қўллашни тавсия этамиз. (3.3.2-жадвал).**

Ўзбекистон учун сувдан фойдаланиш ва сувни тежаш технологиялар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида шароити ўхшаш бўлган бошқа мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада кўп сув сарфланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ажратилаётган лимитнинг камлиги ва сув учун тўловларнинг юқори эканлигидан шикоят қилишади. Шунинг учун ҳам босқичма-босқич бўлса ҳам томчилатиб суғориш усулига ўтиш зарур.

3.3.2-жадвал

Мева-сабзоватларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотишнинг ягона занжиридаги маркетинг тизимини хусусиятлари

Инфратузилма бўлинмалари	Маркетинг вазифалари	Натижалар
фермер ва деҳқонлар	маҳсулот етиштиришда бозор талабини ҳисобга олиш	етиштирилган маҳсулотларни сотишдан кўпроқ даромад олинади.
Агракимё мажмуаси	ерларга ишлов бериш жараёнида фермер ва деҳқон хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда кимёвий ўғитлар таъминотини ташкил этиш	мева сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳосилдорлиги ошади
транспорт	Мева-сабзавотлар логистикасини самарали ташкил этиш	етиштирилган маҳсулотларни теҳроқ қайта ишлаш ва сотиш корхоналарига етказиб берилади ва нобурдгарчилиги камаяди
Қайта ишлаш корхоналари	Мева –сабзавотлардан қайта ишланган маҳсулотлар бозорини ўрганиш	Мева – сабзавотлардан қайта ишланган тайёр маҳсулотлар бозори ривожланади, мева-сабзавотларнинг экспорт имкониятлари ошади .
Савдо – воситачилик	маҳсулотлар захирасини яратиш яратиш, сақлаш, чакана ва улгуржи савдони самарали ташкил этиш	мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган аҳоли талабини тўлароқ қондириш.

Манба: тадқиқотчи ишланмаси

Томчилатиб суғориш нафақат суғориш, балки ўсимликларни озиқлантириш ҳам ҳисобланади. Бунда ўғитлар далага сочиб юборилмасдан сувда эритилади. Мос равишда ҳам ўғит, ҳам сув иқтисод қилинади. Агар очик усулда сабзавот етиштиришда томчилатиб суғоришни

ривожлантириш тўғрисида гапиришга ҳали эрта бўлсада, иссиқхона хўжалигида уни тўла қўллаш мумкин. Катта идиш(бочка) ва сув беришни созлайдиган жиҳоз билан пластик трубалардан иборат оддий томчилатиб суғориш қурилмасининг нархи қарийб 400 АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг самараси қандай? Ўзбекистондаги иссиқхоналарда сабзавотларнинг ўртача ҳосилдорлиги бир кв.метрдан 5-7 кг ни ташкил қилади, 10 кг ҳосил олиш эса жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади ва бунга ҳар доим ҳам эришилмайди. Энг оддий томчилатиб суғориш қурилмасидан фойдаланиш бир кв.метрдан кафолатли равишда 10 кг ҳосил олиш имконини беради, қўлланилаётган ўғитлар таркибини тўғри танлаш натижасида эса бундан ҳам юқори ҳосил олишга тўла имконият яратилади. Ўзбекистонда деҳқон хўжаликлари асосий мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ҳисобланадилар. Одатда уларнинг ер майдонлари 0,2 га.дан катта бўлмайди. Бу хўжаликлар ҳеч қачон қайси муддатларда қандай навларни етиштириш, қандай агротехник тадбирларни қўллаш зарурлигини ўзаро келишмайдилар. Фермер хўжаликларига нисбатан ҳам шундай таърифни бериш мумкин. Фермерларда майдони 1 гектардан 5 гектаргача бўлган боғлар бўлиб, боғнинг қайси қисмида қандай кўчат ўтқазиш, қандай ўғит қўллашни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Бунинг натижасида ҳорижий ишлаб чиқарувчилар билан солиштирилганда жуда кам ҳажмда турли навлардаги мева ва сабзавотлар етиштирилади. Бу қайта ишлаш корхоналарига хомашё сотиб олиш ва нобарқарор ишлаб чиқариш билан боғлиқ қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Агар хорижий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига, масалан, бизнинг бозорларда сотилаётган олмаларга эътибор берилса, барча мевалар бир хил ёрқин рангли, катталиги жиҳатдан бир хил, доғсиз ва бир хил даражада пишган, ҳашоратлар билан зарарланмаган эканлигини кўриш мумкин. Бу олмалар «кимёвий усулда» етиштирилганлиги, бизда етиштирилган олмалар каби

мазаси йўқлиги ва бошқа масалалар тўғрисида узоқ муҳокама қилиш мумкин. Лекин бундай олмаларни етиштиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ўғитлардан кўра кам рол ўйнамайди.

Бугунги кунда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасига индустриал технологиялар кенг миқёсда кириб келмоқда. Бу нафакат ҳамма жойда машина ва механизмларни қўллашни, балки йирик кўламли ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга эканлигини англатади. Масалан, 500 кг. олмани сақлаш ҳам, ташиш ҳам, қайта ишлаш ҳам фойдали эмас. 50 тонна бўлиши бу– бошқа масала. Бунда талаб юқори бўлган олма навлари бозорда уларни истеъмолчилар кутган пайтда бўлиши лозим. Чунки ташқи бозорда рақобат сезиларли даражада ва у ички бозорда ҳам кучайиб бормоқда.

Мевали дарахтларни парваришlashда боғни шакллантириш жарёни муҳим аҳамиятга эга бўлади. Илгарилари дарахтлар катта бўлиши, куёш нурлари дарахтга бир текис тушиши учун шохларга тўғри шакл берилиши зарур деб ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам дарахтларга шакл бериш муҳим агротехник тадбир ҳисобланган. Лекин катта дарахтлардан ҳосилни териб олиш қийин, бу жараёни механизациялаш эса ундан қийин. Юқори шохлардаги ҳосил ёки қўлда териб олинади, ёки турли мосламалар ёрдамида қоқиб туширилади. Ерга тушган мевалар (майли ерга эмас, лотокларга тушган бўлсин) албатта зарарланади ва уларнинг сифати пасайиб кетади. Селекционерлар бу муаммони дарахтларнинг карлик навларини яратиш йўли билан ҳал қилдилар. Бу ҳосил йиғиб олишни механизациялашни яхшилаш ва йўқотишларни камайтириш имконини берди, лекин дарахтлар ўлчамларининг камайиши билан мос ҳолда ҳосилдорлик ортмади ва шу сабабли ялпи ҳосил ҳам камайди. Бунга жавобан дарахтларнинг янги типлари – ҳар бир шохда кўпроқ мева бўлган лекин узунлиги карлик дарахтлар билан бир хил бўлган янги гибрид дарахтлар пайдо бўлди. Дарахтларнинг бундай типи ўзида юқори ҳосилдорлик ва ҳосилни теришнинг қулайлигини мужассамлаштиради.

Янги саноат технологияларининг ривожланиши, харидорларнинг хоши-истаклари, айниқса, стандартлар соҳасидаги давлатларнинг сиёсати аграр соҳага ўз таъсирини кўрсатмоқда. Агар Европа Иттифоқига кирмаган мамлакатлардаги ишлаб чиқарувчилар ЕИнинг бозорлари учун ишлашни хоҳласалар, уларга ЕИда қабул қилинган сифат, фитосанитар стандартларни ҳисобга олишга тўғри келади. Агар Ўзбекистонда жуда кўп турдаги анализлар, масалан, олтингугурт бирикмаларининг мавжудлигини аниқлаш бўйича анализ қилинмаслиги ва ички стандартларда уларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг кўп миқдори белгиланмаганлиги назарда тутилса, Ўзбекистондан Европа бозорига чиқиш учун ўтиб бўлмас техник тўсиқлар мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Мева-сабзавотчилик мажмуида маркетинг ёндашуви қишлоқ хўжалигидан қайта ишланган маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнда ягона занжир яратилиши зарурлигини кўзда тутаяди.

Маркетинг ёндашуви билан ишлаб чиқариш қувватларини мақбуллаштириш муаммоси бевосита боғланган. Замонавий корхона рентабелли бўлиши учун мавсум давомида камида 5 минг тонна мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаши лозим. Ундан кам миқдордаги хомашёни қайта ишлаш фойдали эмас. Ўртача ҳосилдорлик 25 тонна/га бўлганда бундай корхона 200 гектар майдоннинг ҳосилини қабул қилиб олишга қодир бўлады. Бундан кам ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жиҳозлар дунё бўйича деярли ишлаб чиқарилмайди. Жуда кўп турдаги саноат жиҳозларининг ишлаб чиқариш қуввати суткасига 150-600 тонна хомашёни қайта ишлашга мулжалланган.

Вилоятда мева ва сабзавотларнинг ҳосилдорлиги паст, бу экинларни етиштиришга ҳар бир хўжалик томонидан ажратилган майдон эса 3-5 гекторни ташкил этади. Бу мева-сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳар бир фермер, айниқса, деҳқон хўжалиги учун қайта ишлаш учун ўз қувватларига эга бўлиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини англатади. Ҳатто йирик хўжаликлар агар ўзларига қайта ишлаш

жиҳозларини ўрнатсалар ҳам ўз хомашёлари билан бунни уддалай олмайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги қандай ва нима асосда амалга оширилиш лозим деган савол пайдо бўлади. Қайта ишлаш корхонаси битта фермер хўжалигига тегишли бўлиши мумкин, лекин бунда у уни ташқаридан хомашё билан таъминлаш билан шуғулланишига, ёки бошқача қилиб айтганда, бозордан хомашё сотиб олишига тўғри келади. Фермерлар гуруҳи ҳам кооператив ёки ҳиссадорлик асосида ёки ҳозирги агрофирмалар миқёсидаги қайта ишлаш корхонасининг ҳиссадори бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам корхонани иқтисодий самарали юклама билан таъминлаш учун бошқа ишлаб чиқарувчилардан хомашё сотиб олишга тўғри келсада, фермерлар фойдали асосда ўзлари етиштирган мева ва сабзавотларни имтиёзли шароитларда қайта ишлаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Экспорт қилувчи, қайта ишлаш корхонаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ўртасида бевосита ёки воситачилар орқали доимий алоқалар мавжуд бўлиши лозим. Қайта ишлаш саноати муваффақиятли фаолият кўрсатаётган барча мамлакатларда тайёрлаш тизимининг роли катта аҳамиятга эга. Воситачи корхоналар нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан маҳсулотни сотиб олиб, уни қайта ишлашга, чакана савдога ёки экспортга йўналтирадилар, балки мева ва сабзавотларни пишганлик, зарарланганлик даражасига, катталиги ва шаклига қараб саралайдилар, сифати ва белгиланган стандартларга(дарвоқе, стандарт давлатники бўлиши шарт эмас, у бозор иштирокчилари томонидан ҳам ишлаб чиқилган бўлиши мумкин) тўғри келишига қараб товарнинг ҳар бир партияси учун нарх белгиланади. Ўзбекистонда тайёрлаш, логистика ва маркетинг тизимлари тубдан такомиллаштиришга муҳтож.

Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Улардан бири – гилос. Дунёда сифатли гилос етиштириш мумкин бўлган мамлакатлар сони

унчалик кўп эмас ва Ўзбекистон улар қаторига киради. Гилоснинг энг яхши навлари фақат бизда ва Андижон вилоятларида етиштирилади. Лекин гилос ишлаб чиқаришда ягона бизнес тизими мавжуд эмас, етиштиришдан бошлаб экспорт бозорларида сотишгача бўлган жарёнда ягона занжир ташкил қилинганлигига деярли мисол келтириб бўлмайди. Бу энг аввало мақсадли бозорлар билан барқарор алоқалар ва улар ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслигида намоён бўлади. Москвада гилоснинг ҳар бир килограммини 7-8 доллардан сотиш мумкин деган ўзгармас фикр бор. Лекин ҳеч ким ўзига бу гилос қандай кўринишга эга бўлиши керак, уни қандай қилиб қадоқлаш лозим деган саволни бермайди. Бунинг натижасида, одатда, жараён тахминан қуйидагича кечади: гилос деҳқон ва фермерлардан қандай узилган бўлса (ювилмаган, бандлари билан, сараланмаган), шундай ҳолича улгуржи сотиб олинади, яшиқларга солиниб, автомобилга юкланади ва шундай ҳолатда Москва бозорларига етказиб борилади. Агар кўпинча автомашина маҳсулотни сақлаш учун зарурий ҳарорат ушлаб туриладиган махсус рефрижератор эмас, балки оддий КамАЗ бўлиши, чегараларда туриб қолишлар билан бирга Москвагача бир ҳафтада етиб борилиши ҳисобга олинса, гилоснинг сифати Москвада сотилгунга қадар анча пасайиб бўлади, маҳсулотнинг бузилиш натижасидаги тўғридан-тўғри йўқотишлар 15-20% ни ташкил этади. Бунинг устига Москва бозорларда бошқа мамлакатлар, масалан, Исроилдан олиб келинган ювилган, бандлари тозаланган ва целлофан пакетларга чиройли қадоқланган гилос сотилади. Ўзбекистоннинг гилоси яхшироқ, йирикроқ ва мазали эканлиги ҳақида ҳохлаганча гапириш мумкин. Лекин гилос сотиш билан шуғулланувчи бизнесменлар ҳар йили катта зарар кўриб тўрган шароитда ҳамма тадбиркорлар ҳам ҳаридорларни бунга ишонтира олмайдилар. Умуман бу нафақат гилосга, балки узум ва бошқа меваларга ҳам тегишли. Шунинг учун ҳам мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга тайёрлаш учун саралаш-қадоқлаш цехларини ташкил қилиш бўйича бошланган халқаро ташкилотларнинг ёрдами яхши

натижалар бериши мумкин. Бундай ҳолатнинг асосий сабаби – биринчи навбатда фермерларнинг тарқоқлигидир.

Кооперацияни ташкил қилиш бўйича Андижон вилоятида яхши тажриба тўпланган. Бу ерда кишлок хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари иссиқхоналарда етиштириш учун уруғ етказиб бериш билан шуғулланувчи россиялик селекциячилар билан мустаҳкам алоқа боғлашган. Бу уруғлар кўчат етказиб бериш имконияти бўлган деҳқон хўжаликларига берилади. Кейин бу кўчатлар ўзларининг иссиқхоналарида эртаки помидор етиштириш билан шуғулланувчи оилаларга тарқатилади. Барча уруғлар юқори сифатли ва аниқ навга мансуб, кооператив аъзоларининг сони бир неча деҳқон ва фермер хўжаликлари бўлганлиги сабабли апрел ойининг охири ва май ойининг бошларида бир хил навдаги ва бир хил даражада пишган катта миқдордаги помидор ҳосили олинади. Бу пайтда Россия бозорларида помидор энг юқори мавсумий баҳоларга эга бўлади. Шундай бўлсада, кооператив аъзолари маҳсулотнинг бир қисмини Ўзбекистон бозорларида сотишга ҳам қарор қилишлари мумкин. Улар ҳам Россия шаҳарларидаги нархлар тўғрисида, ҳам Тошкент шаҳридаги нарх тўғрисида маълумот оладилар. Экспортга юборилаётган маҳсулот сараланади, қадоқланади + 8 даражагача совутилган рефрижераторларга юклаб жўнатилади. Бу маҳсулотнинг яхши сақланишига имкон беради ва шу кўринишда узоқ муддатли муносабатлар ўрнатилган ҳамкорларга жўнатилади. Кооператив аъзолари ўртасида якуний ҳисоб-китоблар маҳсулот тўла сотилгандан кейин амалга оширилади. Бунга мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлашнинг қандай алоқаси бор деган саволга оддий жавоб бериш мумкин. Бугунги кунда қайта ишлаш саноати бу – нафақат мева-сабзавот консервалари ва қуритилган мевалар ишлаб чиқариш, балки кўпроқ даражада янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмол хусусиятларини сақлаб қолиш ва истеъмолга тайёрлашдир.

Ўзбекистондаги мавжуд иқлим шароитлари ташқи бозорга шундай мева ва сабзавотларни етказиб беришга тўла имкон беради. Лекин бунинг

учун учта таркибий қисм рақобатбардош бўлиши лозим: нарх, сифат ва хизмат. Нарх бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот тўла рақобатбардош ҳисобланади. Сифати бўйича юқорида айтиб ўтилганидек, бизда ишлаб чиқарилган куруқ мевалар ва томат консервалар таркибида бир қатор кимёвий моддалар, жумладан, олтингугурт, нитрат бирикмалари Европа Иттифоқи стандартлари бўйича йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрларда мавжуд бўлади ва бу ҳам ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш(хусусий бизнеснинг вазифаси ва манфаатлар доирасига киради), ҳам давлатнинг вазифаларидан бири бўлган миллий стандартларни такомиллаштириш учун асос бўлади. Лекин энг ёмон ҳолат логистика ёки сервис билан боғлиқ. Бу ердаги биринчи муаммо маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш ҳисобланади. Ҳам янги узилган ҳам қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш учун мослаштирилмаган юк автомобилларидан фойдаланилади ва шу сабабли мамлакатда махсус автопоезд-рефрижераторлар сони жуда кам ҳамда уларнинг кўпчилиги ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Шу билан биргаликда импорт қилишда қўлланиладиган божхона тўловлари ва ҚҚС бундай машиналар нархини 73% га ошириб юборади. Европада 120 мин евро турадиган ишлатилган рефрижератор Ўзбекистонлик тадбиркор учун 210 минг еврога тушади. Бунинг натижасида мамлакатлар ўртасида юк ташиш Эрон, Қозғистон, Россия, Туркия давлатларининг автомобил компаниялари томонидан амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда автомобилда юк ташиш бизнеснинг даромадли тури ҳисобланади, рефрижератор 2,5 йилда ўзини қоплайди ва Ўзбекистонда бундай машиналар ишлаб чиқарилмайди. Демак, юк автомобилларини олиб киришга қўйилаётган божхона тўловлари камайтирилиши лозим.

Жаҳон бозорида савдо ўрни учун қаттиқ рақобат кураши олиб борилади. Хорижда исталган маҳсулотни сотиш маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш, ўз маҳсулотини реклама қилиш, ташишнинг муносиб қимматбаҳо

воситаларидан фойдаланиш, етказиб бериш учун шартномалар тузиш ва агар лозим бўлса, ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишни талаб этади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилади. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёрга таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга бўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги

105-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Наманган вилоятида эса, 2011-2015 йилларда 22 минг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва модернизация қилиш кўзда тутилган (**7- иловада**).

Хулоса

Наманган вилоятининг истеъмол товарлари бозорини тадқиқ қилиш ва Республикамизнинг ўртача ривожланиш кўрсаткичлари билан таққосланганда қуйидагилар аниқланди:

- 2010-2012 йилларда Республиканинг истеъмол товарлари бозорида озиқ-овқат товарларининг улуши 48,4 % ни ташкил этиб, 2012 йилда 49,2 % га ошганлиги, Наманган вилоятида эса 37,4 % дан 31,9 % га қисқарганлиги;

- Наманган вилоятининг аҳоли жон бошига озиқ-овқат товарлари истеъмоли ҳажми Республикамизнинг умумий кўрсаткичидан паст этганини;

- Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида сабзавотларнинг улуши Республикамизда 2010 йилда 3,7 % дан 2012 йилда ўзгармаган. Бироқ Наманган вилоятида бу кўрсаткичлар 7,5 дан 9 % га ошганлиги;

- Меваларнинг озиқ-овқатлар чакана савдо айланмасидаги улуши эса Республикада 2010 йилда 5,3 % дан, 2012 йилда 5,1 % га ўзгарган бўлса, Наманган вилоятида бунинг акси бўлиб, тегишли равишда 9,5 % дан 17,4 % га ошганлиги;

- Вилоятимиз чакана савдо айланмаси таркибида мевасабзавотларнинг улуши Республикамизнинг ўртача кўрсаткичларидан юқори эканлиги, бироқ, унинг истеъмоли йиллар давомида ортаётганлигини;

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товдаларининг чакана савдо айланмасидаги улуши 2010 йилда 53,9 % дан 2012 йилда 49,5 % га пастлаган бўлса, Наманган вилоятида бў кўрсаткич тегишли равишда 34,1 % дан 37,8 % га ошганлиги;

Истеъмол товарлари бозорининг таклиф ҳажми Наманган вилоятида Республиканинг ўртача кўрсаткичига нисбатан паст ва янада пасайиб бораётганлиги ҳолатлари аниқланди.

Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатишича вилоятда етиштирилаётган меванинг анчагина қисми бозорга етиб бормасдан nobуд бўлаётган шароитда, ички бозорга импорт қилинган мевалар кириб келиши бир томондан рақобат муҳитини яратиб ички ишлаб чиқарувчиларни бозорга мослашишга мажбур қилса, иккинчи томондан импорт қилинаётган меваларнинг таъми республикамызда етиштирилган маҳсулотлардан анча пастлиги боғбонларимизнинг ўз маҳсулотини истеъмолчиларга етказиб бериш усулларины эгаллашини тақозо этмоқда.

Боғдорчилик маҳсулотларини сотиш каналларини таҳлил қилиш натижасида, аниқлаганымиздек, маҳсулот савдосида ва маҳсулотнинг охириги истеъмолчига етиб боришида вилоятимизда чакана савдо асосий салмоқга эга. Лекин, таъкидлаш лозимки, чакана савдо тармоғи бу асосан деҳқон бозорларидан иборат бўлиб, деҳқон бозорлари орқали етиштирилган боғдорчилик маҳсулотларини nobудгарчиликсиз, сифатини бузмасдан, қулай вақтларда истеъмолчига етказиш жуда қийин. Бунга қуйидаги салбий омиллар катта таъсир кўрсатади:

1. Бугунги кунда маҳсулот етиштирувчи боғбон бир вақтнинг ўзида маҳсулот етиштириш, маҳсулот сотиш бозорларини ўрганиш, ҳаридор қидириш, маҳсулот сотишни ташкил этиш, етиштирилган маҳсулотларнинг истеъмолчига етиб боришидаги ортиқча ҳаражатлар, nobудгарчиликлар олдини олиш, нарх-наво масаласини ҳал этиш каби мураккаб масалалар билан шуғулланишга мажбур бўлмоқда. Бу эса оддий боғбон учун жуда оғирлик қилади ёки бу масалалар унинг имкониятларидан анча юқорида;

2. Боғдорчилик маҳсулотлари истеъмолчилари ва маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар (деҳқон ва фермер хўжаликлари) жойлашган ўрни жиҳатидан ўртасидаги масофа узоқлиги, транспорт ҳаражатлари ортиб кетишига олиб келади. Бу эса, ўз, навбатида маҳсулотнинг бозордаги баҳоси ортишига ва деҳқоннинг даромади пасайишига сабаб бўлади;

3. Боғдорчилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар фермер ва

деҳқон хўжаликлари эканлиги ва уларнинг ер майдонлари ўртача 0,1-1,5 гектаргача оралиқда бўлиб, маҳсулот ҳажми кичиклиги боисдан катта транспорт харажатлари қилиш имконини бермайди;

4. Маҳсулотни узоқ масофага ташиш учун жиҳозланган транспорт воситаси, тегишли идишлар ва қадоқлаш воситалари зарур бўлади. Бундай воситалар бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларида ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Бу эса, маҳсулотнинг сифати пасайишига ва нобудгарчилиги ортишига олиб келади.

5. Деҳқон бозорлари орқали маҳсулотни тўғридан-тўғри сотувчидан охириги истеъмолчи харид қилади. Бунда савдо тизими кўп сонли маҳаллий истеъмолчиларга маҳсулот етказиб берганлиги учун асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олади ва маҳсулот савдосида маҳаллий бозор хусусиятлари катта аҳамиятга эга бўлади. Аммо, маҳаллий бозорларнинг маҳсулот сотиш сифими маҳаллий талаблар доирасида бўлганлиги боисдан, маҳаллий бозорларда маҳсулот пишиб етилиши пайтида пайдо бўладиган мавсумий талаб ҳажми кичиклиги маҳсулот баҳоси кескин пасайишига олиб келади. Бундан маҳсулот етиштирувчи фермер катта миқдорда моливий зарар кўрилмоқда, нобурдгарчиллика қўйилмоқда.

6. Бизнинг фикримизча, мева-сабзавотларни сотиш тизимида кооперация муносабатларини (**агрофирмалари доирасида**) ёки уюшган бошқа савдо тизимларини ривожлантириш орқали юқоридаги муаммоларни самарали ҳал этиш мумкин. Савдо фаолиятини мувофиқлаштирувчи **кооперация (ўзаро ҳамкорлик) муносабатлари қуйидаги қўшимча имкониятларни яратиб беради:**

- маҳсулот сотиш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини сотиш билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар тежалади;

- географик жиҳатдан катта ҳудуддаги ва кўп сонли кичик ўлчамли фермер ва деҳқон хўжаликлари маҳсулотларини самарали сотиш имконияти пайдо бўлади;

- мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга етказишда,

деҳқоннинг ҳаридорлар билан маҳсулот савдоси юзасидан алоқалари сонини кескин камайтириш ва шу орқали вақт ва маблағ тежалишига эришиш мумкин;

- савдо соҳасидаги кооперативларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини истеъмолчиларга қулай муддат ва нисбатан арзон нархларда етказиб бериш имконияти анча юқори. Чунки, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш мавсумий ҳарактерга эгалиги боис, асосан пишиб етилиб, йиғиб олинган пайтда сотилади. Аммо, айнаи шу пайтда бозорда маҳсулот нархи пасаяди ва деҳқон зарар кўрадиган савдо муҳитига тушиб қолади.

7. Агрофирмалар ёки кооперативлар жиҳозланган сақлаш омборхоналари, транспорт воситаларини сақлаш имкониятига эга эканлиги сабабли маҳсулотни ҳаридорларга йил давомида узлуксиз етказиб бериши мумкин. Бу эса, бозорлардаги маҳсулот баҳосини барқарор ушлаб туриш имконини беради.

8. Уюшган савдо тизимининг шаклланиши:

- юк тушириш ва ортиш ҳудудига темир йўл транспорти кириши учун ва вагонларга юк ортиш-тушириш имкониятини яхшилайти;

- мижозларга юк автотранспорти воситаларига маҳсулотларни ортиш-тушириш борасида бозор ҳудудида шарт-шароитларни яратиб бериш, Шунингдек, мижозларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини буюртма асосида идишларга жойлаш, қадоқлаш, кўрсатилган манзилга олиб бориб бериш бўйича ва сифатли транспорт хизматлари кўрсатишни йўлга қўяди;

- экспортга чиқадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро стандартлар талаблари асосида саралаш ва уларга дастлабки ишлов бериш, қадоқлаш идишлари тайёрлаш (бунда идишлар ташқи кўринишини ва маҳсулот сифатини сақлаши эътиборга олиниши лозим) бўйича қўшимча хизматларни ривожлантиради;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишончли ва тезкор санитар-эпидемиологик назоратдан ўтказган ҳолда уларнинг истеъмолга яроқлилиги тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштириш каби қўшимча шарт-

шароитлар яратилиши мумкин.

9. Боғдорчиликни барқарор ривожлантириш учун:

- юқори ҳосил берадиган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тез ўзгарувчи ноқулай табиий шароитларга бардошли ва бозор талабига жавоб берадиган мева берувчи дарахтлар навларини кўпайтириш ва ҳудудлар шароитига мослиги даражасини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

- боғдорчиликда сув таъминоти тизимини моддий-техник куроллантириш учун инвестиция (давлатнинг мақсадли ва имтиёзли кредитлари, турли грантлар, хусусий тармоқ маблағлари ва бошқа молиявий манбалар ҳисобидан) жалб қилишни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

-соҳада илмий асосланган агротехник қоидалар доирасида, ҳудудни тупроқ таркиби, мевали дарахтлар тури ва навларини ҳисобга олиб, минерал ўғитлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

-тармоқни боғдорчилик техникалари билан таъминлаш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш;

-сув танқислиги шароитида суғориш техникалари ва технологияларни такомиллаштириш (микро ва томчилатиб суғориш усуллари кенг фойдаланишни йўлга қўйиш);

-мавжуд эски боғларни тиклаш, кам ҳосилли боғларни ҳосилдор мевали дарахтлари билан алмаштириш, янги боғлар яратишда янги технологиялардан фойдаланиш;

-боғдорчилик соҳасида ташкил этилган фермер хўжаликлари раҳбарларининг касбий малакасини ошириб бориш, уларни боғларни парваришлаш борасидаги янги агротехника тадбирларини ўзлаштиришига кўмаклашиш, боғдорчилик соҳасини малакали мутахассислар билан таъминлашнинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, 1999 йил 14 апрель,
3. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат” тўғрисидаги қонуни. 2012 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг **“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”**ги қонуни. 1996 йил.
5. Ўзбекистон республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимо қилиш тўғрисида”ги қонуни. 1996 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги ” қонуни. 1991 йил
7. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни, 1996 йил
8. Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат белгилари ва товарни келиб чиқиш жойи номи тўғрисида»ги қонуни, 1996 йил
9. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматлар сертификацияси тўғрисида»ги қонуни, 1998 йил
10. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуни 1994 йил
11. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни, 1994 йил

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидага 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сонли фармони
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9-январда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узимчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тугрисида “ги Фармони ҳамда 2006 йил 9-январ.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** Фармони, 2003 йил
15. Вазирлар Маҳкамасининг **“Нархларни либераллаштириш чоралари тўғрисида”**ги қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 26 февральдаги **“Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори**

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2006-йил 11-январ.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2022-сонли қарори. 2013 йил 8 август.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари ўғрисида»ги 4053-сонли фармони. 2008 йил 18 ноябр

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2002 йил 26 ноябрь. www.lex.uz

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

21. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. “Ўзбекистон”, 1992, 43-44-бетлар

22. И.А.Каримов “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил

23. Каримов И.К. Келажакни жасоратли одамлар қуради. Т.7.Т. «Ўзбекистон» 1999, 321.

24. Каримов И.К. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш-барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.Ўзбекистон. 2007, 41

25. И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.; Ўзбекистон, 2005, 76 б.

26. И.А.Каримов. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» маърузаси

27. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2005 й, 29 январ, 20 сон.

28. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устивор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январ.

29.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устивор мақсадимиздир. -Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг ва қўшма мажлисидаги маърузаси //Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ.

30.Ўзбекистон Конституцияси-биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фаровонлик жамият барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. - Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилишнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маъросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабр.

31.Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Республика Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/29870/>

32.Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Республика Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. <http://uza.uz/oz/politics/24599/>

33.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999й. 12-бет

34.И.А.Каримов Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислох этишдир. Т.; Ўзбекистон, 2005,76 б.

35.И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. www.gov.uz

36.Каримов И. А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, Ўзбекистон, 2007, 28-бет

IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

37.А.Солиев. “Маркетинг”. Тошкент. “Иқтисод-молия” – 2010 йил 7 б

38.А.Раззақов, Ш.Тошматов. “Иқтисодий таълимотлар тарихи”. “Молия”, Т.; 42 б

39.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. www.ziyouz.com кутубхонаси. Б-ҳарфи. 457 б.т

40.М.Расулов. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.Ўзбекистон. 1999 й 17 б

- 41.Ф.Котлер, “Основы маркетинга”. Пер.с английского В. Б. Боброва. М.Прогрес.1991 г.56 ст. www.hobos.ru
- 42.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Т. 7 т. 468 бет.
- 43.Д.Тожибоев. “Иқтисодиёт назарияси”. Ўқув қўлланма. ТДИУ.Т:2005. 5 б.
- 44.А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. “Шарқ”, Т.2016 85 б
- 45.Мустақиллик. Изоҳли илмий – оммабоб луғат. “Шарқ” Т:.,2009 й.55 б.
- 46.Б.Абдукаримов. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. “Иқтисод--молия” Т:.,2010 33 б
- 47.Ўзбек тилининг изохли луғати.-+Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 663-664-б.
- 48.А.Солиев. Маркетинг. “Арт-флекс” Т:., 2008 йил 208-б
- 49.Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: 2009, 241 бет
- 50.Э.Х.Махсудов. Корхона иқтисодиёти. “Адабиёт жамғармаси”. Т:., 2004 йил.

V.Илмий журналлардаги мақолалар

- 51.Умаров Р. Барқарор бизнес-муҳитни таъминловчи иқтисодий тизим. Иқтисодиёт ва таълим. 2012 йил 4-сон,7-б. А
- 52.Манба: МДХ мамлакатлари бозорига экспорт қилиш. Россия Федерацияси ва Қозоғистон мисолида. Амалий қўлланма. Ўзбекистон бизнес форуми лойиҳаси. 2008 йил

VI. Интернет сайтлари

1. www.gov.uz—O‘zbekiston Respublikasi Davlat hokimiyati portali
2. www.press-service.uz—O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Matbuot xizmatirasmiiy
3. www.mfer.uz—O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiya vasavdo Vazirligining rasmiy sayti sayti
4. www.UzA.Uz—O‘zbekiston milliy axborot agentligi rasmiy sayti
5. www.review.uz – “Ekonomicheskoe obozrenie” jurnalining rasmiy sayti
6. www.cer.uz – Iqtisodiy tadqiqotlar Markazining rasmiy sayti
7. www.uzreport.com – biznes axborotlari portali
8. www.eurasianews.com – Evro Osiyo tadqiqotlar arkazining rasmiy sayti
9. www.vip.lenta.ru – Internet nashriyoti
10. www.InternetNews.com— yangiliklar serveri
11. www.api.uz- Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

12. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
13. www.bdm.uz – бизнес эксперт журналининг расмий сайти
14. www.iqtisodiyot.uz - *“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали*
15. www.cooper.uz – Ўзбекистон Республикаси саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасининг расмий сайти
16. www.chamber.uz – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаининг расмий сайти.
17. www.uzbusiness.org – электрон ярмарка.

Иловалар.

1-илова

**Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида аҳоли жон
бошига мева-сабзавот ишлаб чиқариш кўрсаткичи**

(кг)

№	Шаҳар ва туманлар	2011 йил	2012 йил	Ўзгариш суръати %да, 2012 йилни 2010 йилга нисбати
Вилоят бўйича				
	-мева	57,1	64,2	112,4
	-сабзавот	201,9	215,3	106,6
1	Наманган ш. -мева -сабзавот	4,7 31,2	5,0 35,1	106,4 112,5
2	Мингбулоқ -мева -сабзавот	46,6 139,8	46,5 147,6	99,8 105,6
3	Косонсой -мева -сабзавот	42,4 115,1	55,1 132,9	129,9 115,5
4	Наманган -мева -сабзавот	57,6 418,0	60,4 422,6	104,9 1001,1
5	Норин -мева -сабзавот	37,0 193,4	41,5 201,0	112,2 103,9
6	Поп -мева -сабзавот	52,5 106,9	65,6 112,6	124,8 105,3
7	Тўрақўрғон -мева -сабзавот	52,8 155,0	60,5 186,0	114,6 120,0
8	Уйчи -мева -сабзавот	47,4 274,8	53,0 291,0	111,8 105,9
9	Учқўрғон -мева -сабзавот	41,2 330,6	28,1 345,1	68,2 104,4
10	Чортоқ -мева -сабзавот	100,1 296,3	114,0 319,1	113,9 107,7
11	Чуст -мева -сабзавот	77,1 174,5	97,3 186,2	126,2 106,7
12	Янгиқўрғон -мева -сабзавот	184,1 413,4	194,5 442,8	105,6 107,1

Манба: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида талаба томонидан ишлаб чиқилди.

Наманган вилоятидаги 2013-йилда етиштирилган мева-сабзавотларнинг туманлар бўйича кўрсаткичлари таҳлили

№	Шаҳар ва туманлар номи	Давлат хариди учун сотилиши, тонна		Картошка			Сабзавот			Мева		
		топширик	бажарилиши	Майдони, гектар	Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдор-лик, ц/га	Майдони, гектар	Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдор-лик, ц/га	Майдони, гектар	Ялпи ҳосил, тонна	Ҳосилдор-лик, ц/га
Вилоят бўйича		217000	217233	6815	207279	187,3	14040	574564	249,7	26952	1826026	73,8
1	Наманган ш.			57	151	33,1	463	18040	242,1	609	2604	43,2
2	Мингбулоқ	21590	21590	306	5500	164,9	402	16685	288,4	925	5540	58,9
3	Косонсой	20750	20743	363	6500	144,6	869	27500	210,6	1755	9200	53,5
4	Наманган	17280	17293	452	12347	216,8	2033	91945	231,2	1513	14599	82,8
5	Норин	14460	14539	530	14625	230,8	793	31519	244,9	865	6120	70,5
6	Поп	26198	27132	442	8638	110,9	770	23245	220,6	2396	15000	63,9
7	Тўрақўрғон	16540	16464	345	12091	153,7	763	42053	238,4	1701	14008	82,2
8	Уйчи	20450	20203	336	8600	212,4	1168	63650	302,3	1699	12940	72,3
9	Учқўрғон	23137	22780	457	13602	190,0	1463	57808	354,9	1132	9005	93,3
10	Чортоқ	12120	12129	565	18056	217,9	2498	62135	214,6	3582	23503	85,3
11	Чуст	26242	26127	746	26008	266,0	782	47101	291,9	3444	26502	90,6
12	Янгиқўрғон	18233	18233	2216	81161	208,7	2036	95883	268,1	7331	43005	72,8

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

Наманган вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 2013-2014 йил қиш ва баҳор ойлари учун захирага қўйишнинг соҳалар бўйича режаси

№	Маҳсулот Турлари	Жами маҳсул от хажми	Шу жумладан								
			Туманлардаги улгуржи ва чакан савдо корхоналари	“Ўзулгуржи-савдоинвест” уюшмаси корхоналари	Бозорлар уюшмаси	“Замин-агросавдо-инвест” МЧЖ	Ижтимоий соҳа ташкилотлари			Бошқа корхоналар	
							Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Халқ таълими	Соғлиқни сақлаш	Вилоятдаги йирик корхоналар	Фермер хўжаликлари
1	Мева	9100	500	962	460	200	4	70	47	2038	4819
2	Картошка	11800	1000	1850	665	1000	34	773	212	2039	4227
3	Полиз	4600	250	285	235		6	98	128	702	2896
4	Сабзавот	16800	1200	2979	1290	1500	23	1225	254	2879	5450
	Пиёз	7100	300	1380	660	500	6	540	50	1480	2184
	сабзи	5600	400	1015	385	1000	14	485	97	803	1400
	карам	4100	500	584	245		3	200	107	595	1866
5	Гурунч	2100	400	549			2	125	23	436	564
6	Дукаклик дон	1600		225	50		2	38	37	546	703
Вилоят жами		46000	33500	6850	2700	2700	70	2329	701	8640	18660

Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди

4-илова

Наманган вилоятида мева-сабзавот, картошка ва асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумида тайёрловчи корхоналар ва ташкилотларининг омборларига қўйилиши тўғрисида маълумот (тонна)

№	Туманлар , шаҳарлар	Жами маҳсулотларни сақлашнинг умумий ҳажми	Шу жумладан					
			“Ўзулгуржи- савдоинвест” уюшмаси корхоналари	Бозорлар уюшмаси	Йирик корхоналар ва ташкилотлар	Ижтимоий соҳа объеклари	Ихтисослашган Фермер хўжаликлари ва агрофирмалар	Бошқа корхоналар
1	Мингбулоқ	3090			320	176	2424	171
2	Косонсой	2300		435	200	245	1267	153
3	Наманган	1611		190	160	158	946	157
4	Норин	1351		235	250	202	581	83
5	Поп	2706			435	264	1916	91
6	Тўракурғон	4210	1722	220	185	217	1325	541
7	Уйчи	5220	2323	215	120	202	1226	1135
8	Учқўрғон	2167		200	170	268	1330	199
9	Чорток	4318		250	510	223	3161	174
10	Чуст	3607		450	490	297	2132	238
11	Янгиқўрғон	6427	389		510	212	2353	2963
12	Наманган ш.	8993	2416	505	2700	637		2735
Жами:	Тонна	46000	6850	2700	6050	3100	18660	8640
	Қиймати	51450	8461	3087	8003	3545	22066	6288
Шу жумладан : Маблағлар манбаи (млн. сўм)			46000					
Бюджет маблағи		3545				3545		
Банк кредити		4647	1490	680	2027			450
Хомийлик маблағи								
Ўз маблағи		43258	6971	2407	5976	0	22066	5838

Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди

Вилоятдаги “Замин агро савдо инвест”МЧЖ ва “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмаси тизимидаги ташкилотлар томонидан қиш ва боҳор ойларида ишлатиш учун жамғариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлиари ва хажмлар

№	Ташкилотлар номи	Жами жамғариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хажми	Шу жумладан								
			Картошк а	Жами сабзавот	Шундан			Мева	Полиз	Гурунч	Дукакли дон
					Пиез	Сабзи	Карам				
1	“Замин агро савдо инвест” МЧЖ	2700	1000	1500	500	1000		200			
2	“Водий саховати агроинвест улгиржи савдо” МЧЖ	389,2	100	90	50	40		100	40	49,2	10
3	“Наманганулгуржисавдоинвест” МЧЖ	1722	615	608	325	168	115	269	70	140	20
4	“Бунёдкорлук мужизаси” МЧЖ	2323	568	1048	202	501	345	415	88	110	95
5	“Наманган озиқ-овқат агро экспорт” МЧЖ	2416	567	1233	803	306	124	179	88	250	100
	Ўзулгуржисавдоинвест уюшмасининг вилоятдаги базалари	6850	1850	2979	1380	1015	584	962	285	549	225

Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди

6-илова

Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари сақлашга етишмаётган сиғимлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2012-2015 йилларда сиғимлар ташкил қилиш бўйича

ДАСТУРИ

№	Худудлар номи	2012 йилда			2013 йилда			2014 йилда			2015 йилда		
		Жами ташкил этиладиган сиғим (минг тонна)	Шундан		Жами ташкил этиладиган сиғим (минг тонна)	Шундан		Жами ташкил этиладиган сиғим (минг тонна)	Шундан		Жами ташкил этиладиган сиғим (минг тонна)	Шундан	
			Модернизация хисобига (минг тонна)	Янги қурилиш хисобига (минг тонна)		Модернизация хисобига (минг тонна)	Янги қурилиш хисобига (минг тонна)		Модернизация хисобига (минг тонна)	Янги қурилиш хисобига (минг тонна)		Модернизация хисобига (минг тонна)	Янги қурилиш хисобига (минг тонна)
1	Наманган шаҳри	0,0			0,0			0,0			0,0		
2	Косонсой тумани	0,0			0,0			0,0			0,0		
3	Мингбулоқ тумани	0,6		0,6	0,4		0,4	0,4		0,4	0,5		0,5
4	Наманган тумани	0,0			0,0			0,0			1,0	1,0	
5	Норин тумани	0,0			0,0			2,0	2,0		0,0		
6	Поп тумани	0,9		0,9	0,9		0,9	0,0			0,0		
7	Тўрақўрғон тумани	0,0			0,0			0,0			0,0		
8	Уйчи тумани	0,0			0,0			0,0			0,6		0,6
9	Учқўрғон тумани	0,0			0,1		0,1	0,2		0,2	0,0		
10	Чортоқ тумани	1,8	1,8		0,5	0,5		0,0			0,0		
11	Чўст тумани	0,0			0,0			0,0			0,0		
12	Янгиқўрғон тумани	0,0			0,0			0,0			0,0		
Жами		3,3	1,8	1,5	1,9	0,5	1,4	2,6	2,0	0,6	2,1	1,0	1,1
<i>Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди</i>													

Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўпайтириш ҳамда нормативларга қўра, аҳоли эҳтиёжи учун қиш мавсумига сақланиши лозим бўлган ҳажмлар, шунингдек, экспортга ортишни қўпайтиришни назарда тутган ҳолда етишмаётган сиғимлар ҳажми

№	Худудлар номи	Аҳоли сони (минг киши)	Мева сабзавот ишлаб чиқариш ҳажми (минг тонна)	Шундан		Захирага талаб этиладиган сиғим (минг тонна)	Мавжуд сиғимлар (минг тонна)	2010 йилда Етишмаётган сиғим (минг тонна)	2011-2015 йилларда ташкил этиладиган сиғим (минг тонна)
				Қиш мавсуми учун заҳира қилинадиган ҳажм (минг тонна)	Экспорт қилиш учун сақланадиган ҳажм (минг тонна)				
1	Наманган шаҳри	451,5	25,6	4,8	0,0	4,8	5,4	0,0	0,0
2	Косонсой тумани	165,1	43,3	2,1	0,2	2,3	0,0	2,3	0,9
3	Мингбулоқ тумани	100,9	43,8	2,9	0,2	3,1	0,0	3,1	2,5
4	Наманган тумани	188,7	104,0	2,0	0,7	2,7	4,5	0,0	1,0
5	Норин тумани	133,8	55,8	2,0	0,0	2,0	0,0	2,0	2,0
6	Поп тумани	180,3	40,4	2,9	0,2	3,1	0,0	3,1	2,3
7	Тўрақўрғон тумани	184,3	66,2	2,9	0,2	3,1	2,3	0,8	2,6
8	Уйчи тумани	193,6	80,2	2,0	0,3	2,3	1,0	1,3	1,6
9	Учкўрғон тумани	145,4	73,9	2,2	0,0	2,2	0,0	2,2	0,4
10	Чортоқ тумани	164,1	93,5	6,9	0,5	7,4	2,0	5,4	3,3
11	Чуст тумани	222,6	96,2	4,6	0,5	5,1	0,0	5,1	0,5
12	Янгиқўрғон тумани	180,1	193,4	7,7	1,5	9,2	8,0	1,2	4,9
Жами		2310,5	916,3	43,0	4,3	47,3	23,2	26,5	22,0
<i>Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди</i>									

**Наманган шаҳар “Чорсу дехқон бозори” ОАЖда сотилаётган қишлоқ хўжалик
маҳсулотларининг 2012 йилдаги уртача нархи**

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	ЎРТАЧА НАРХИ (сумм)			
		Август	Июль	Декабрь	Январ
САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ					
Картошка	Кг	500-1000	500-900	1000-1800	600-1000
Пиёз	Кг	650-800	900-1000	500-700	750-1100
Сабзи	Кг	500-900	400-900	400-500	250-400
Карам	Кг	1000-1200	900-1000	400-500	600-700
Бодринг	Кг	500-1000	400-750	3500-4000	2000-5000
Помидор	Кг	350-500	300-400	3000-5000	1000-3000
Саримсоқ пиёз	Кг	1000-2500	1000-1500	500-1500	1000-4000
Қизилча	Кг	700-1000	800-1000	650-1000	250-400
Шолғам	Кг			500-800	250-400
Турп	Кг			400-600	200-400
Болгар қалампери	Дона	40-50	30-50	50-250	2500-00
Бақлажон	Кг	400-500	300-400	900-1000	3000-00
Кук пиёз	Бог			200-500	150-500
Ош кук	Бог	125-800	250-600	150-400	400-600
Укроп	Бог	125-800	250-600	150-400	400-600
Полиз маҳсулотлари					
Қовин	Кг	400-700	800-900	800-1000	600-900
Тарвуз	Кг	500-600	500-600	700-800	600-800
Ошқовоқ	Кг	1000-1100	1000-1500	550-600	1000-1600
Хўл мева					
Олма	Кг	1000-2000	800-1500	1000-4000	1000-4000
Нок	Кг	2000-4500	3000-5000	2500-4500	2000-4000
Ўзум	Кг	1000-3000	2000-3500	3000-5000	3000-6000
Чилиги	Кг		1000-1500		
Шафтоли	Кг	1200-4000	1000-3000		
Ғанжали	Кг	500-800	600-800		
Беҳи	Кг			2000-3000	1000-2500
Анор	Кг			1500-3000	1500-5000
Қурук мева					
Ўрик	Кг	2500-6000	2500-6000	1500-5000	2500-5000
Кишмиш	Кг	4500-5000	4000-4500	4000-4500	4500-5000
Майиз	Кг	6000-10000	6000-10000	6000-10000	4000-8000
Ёнғоқ	Кг	4000-5000	3000-5000	3000-6000	4000-7000
Ер ёнғоқ	Кг	2800-4000	2800-4000	2500-4000	3000-4000
Кунгабоқар	Кг	2000-3500	2000-3500	1500-4000	3000-4000
Бодом	Кг	3000-15000	5000-15000	4000-15000	5000-10000
Писта	Кг	35000-36000	35000-36000	38000-40000	30000-35000

Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди

**Наманган шаҳар “Чорсу духкон бозори” ОАЖда сотилаётган қишлоқ хўжалик
маҳсулотларининг 2013 йилдаги ўртача нархи**

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	ЎРТАЧА НАРХИ (сумм)			
		Август	Июль	Декабрь	Январ
САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ					
Картошка	кг	500-900	600-1000	1200-1700	1500-2000
Пиёз	кг	300-500	400-650	400-500	500-600
Сабзи	кг	500-800	500-1000	500-600	400-500
Карам	кг	800-900	750-800	400-500	600-700
Бодринг	кг	750-1500	1000-1500	6000-7000	3000-6000
Помидор	кг	1000-1500	500-1500	1500-3000	4000-6000
Саримсоқ пиёз	кг	1000-1500	1000-1500	1000-2000	800-3000
Қизилча	кг	750-1000	700-750	400-500	750-100
Болгар қалампери	кг	1000-1500	50-125	2000-3000	60-300
Бақлажон	кг	500-1000	1000-1300		4000-5000
Кўкатлар	кг	3000-4000	3000-4000	3500-4500	250-300
Жандук	кг	1000-1500	2000-2500		
Кўк ловия	кг	1000-2000	1000-1500		
Полиз маҳсулотлари					
Қовин	кг	1500-2000	1200-1500	1800-2000	1000-2000
Хандалак	кг				
Тарвуз	кг	400-500	400-500	600-700	1000-1500
Ошқовоқ	кг	1300-1500	750-800		550-600
Хўл мева					
Олма	кг	1000-3500	1000-4000	1500-4500	1800-4000
Нок	кг	3000-6000	3000-4000	3000-5000	2000-4000
Ғанжали	кг	800-1000	1000-1500		
Узум	кг	2000-4000	1000-3000	3000-6000	2500-3500
Чилиги	кг	1800-2000			1500-2000
Шафтоли	кг	2000-4000	1000-3500		
Анжир	кг	250-300			
Қурук мева					
ўрик	кг	2000-6000	2000-6000	2000-5000	2000-6000
Кишмиш	кг	4000-5000	4000-5000	4500-5000	4000-4500
Майиз	кг	4000-12000	7000-12000	8000-12000	8000-12000
Ёнғоқ	кг	8000-12000	8000-12000	6500-8000	3000-6000
Ер ёнғоқ	кг	4000-7000	4000-6000	7000-7500	3000-4000
Кунгабоқар	кг	4000-5000	3000-5000	4500-5000	3000-4000
Бодом	кг	4000-18000	5000-18000	5000-15000	6000-18000
Писта	м	30000-40000	30000-40000	20000-42000	31000-35000

Манба: Наманган вилояти ҳокимлиги маълумотлари асосида тайёрланди

